



№97-98
2019-йил, 3-декабр
Seshanba (32.588)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-йил 21-йундан chiqq boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston OVOZI

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг "Ўзбекистон миллий
ахборот агентлиги фаолиятини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида"ги, "Иссиқлик таъминоти
тизимини такомиллаштириш ва иссиқлик
таъминоти корхоналарини молиявий
соғломлаштиришга оид қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда
"Тошкент шаҳрининг иссиқлик таъминоти
тизимини янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида" қарорларни
газетамиз сайтида ўқишингиз мумкин.

КЕЛАСИ ЙИЛДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 декабрь куни 2020 йилда устувор йўналишлар бўйича ислохотларни жадаллаштириш, бу борадаги мақсадли параметрларни белгилаш ва таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кунда иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш — энг устувор вазифа, замон билан ҳамнафас бўлишнинг муҳим шарти экани таъкидланди.

Бу масала давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Иқтисодийнинг либераллаштириш, тенг рақобат муҳитини шакллантириш, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, энергия тежамкорлигини ошириш каби муҳим йўналишлар бўйича ўнлаб фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бизнес субъектларига зарур шароитлар яратилди.

Лекин ислохотлар реал ҳаётда ўз аксини етарли даражада топмапти. Йиғилишда турли соҳаларда йўл қўйлаётган камчиликлар кўрсатиб ўтилди, тегишли раҳбарларнинг фаолияти кескин танқид остига олинди.

Масалан, энергетика тизимидаги йўқотишларни кескин камайтириш, сотилган электр қувватининг ҳисобини тўғри юритиш ва дебитор қарздорликни қисқартириш ишлари етарли даражада олиб борилмапти.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, табиий газни қазиб олиш, транспортни қилиш ва таъминлашда ҳаққоний ҳисобга олиш тизими мавжуд эмас. Айниқса, газ ва электр энергияси таъминотидаги узилтишлар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Сўнгги 3 йилда кадастр соҳасини ислох қилиш бўйича ҳам қабул қилинган 10 га яқин қарор ҳалигача тўлиқ ишлаб кетгани йўқ. Масалан, ер ажратишнинг онлайн аукцион тизими ханузгача жорий этилмаган, кадастр маълумотларини рақамлаштириш ишлари якунланмаган. Ҳозирга қадар ерга бўлган ҳуқуқнинг янги шакли ва уни беришнинг очiq-ошқора механизми ишлаб чиқилмаган.

Қўрилиш соҳасида бугунги кунга қадар эски стандарт ва меъёрлар сақланиб қолмоқда, деди давлатимиз раҳбари. Янги инновацион ечимлар ва лойиҳалар устида ишловчи мутахассислар тайёрлашга умуман эътибор берилмапти.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, қўрилишга рухсатнома бериш ва келишиш жараёنлари қозғош шаклида амалга оширилмоқда. Мутасадди ташкилотларга ўзаро электрон ҳамкорлик йўлга қўйилмаган.

Йиғилишда транспорт соҳасидаги муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Мисол учун, юк ташити тарифлари юқорилиги боис маҳсулотлар таннархи баландлигича қоляпти. Аҳолига қулай ва арзон транспорт хизматлари кўрсатиш талаб даражасида эмас.

Халқаро таълим стандартларини жорий этишга етарли эътибор қаратилмаётгани ҳам қайд этилди. Президент таъкидлаганидек, профессор-ўқитувчилар малакасини баҳолаш мезонлари замон талабларига мос келмапти.

Бундай нуқсонларни банк-молия, солиқ, рақамли иқтисодиёт, коррупцияга қарши кураш каби бошқа соҳаларда ҳам кузатиш мумкин.

Жаҳон банкининг хулосасига кўра, иқтисодиётимизда давлат улуши ханузгача юқорилигича қолмоқда ва бугунги кунда 50-55 фоизни ташкил этади.

Шу муносабат билан сўнгги уч йилда қабул қилинган қарорлар ижросини танқидий баҳолаш орқали

"оқсатган" 13 та муҳим йўналишда тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар ишлаб чиқишга масъул ишчи гуруҳлар тузилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу ишчи гуруҳлар томонидан жорий йил 20 декабрдан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаб берди.

Аввало, қайд этилган ҳар бир тармоқ бўйича сўнгги уч йилда қабул қилинган ҳужжатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, уларнинг ҳаётга жорий этилиш ҳолатини танқидий ўрганиш зарурлиги таъкидланди. Чунки айрим қарорларда ўрнатилган тартиблар амалда қўлланилмапти. Масалан, Жаҳон банки экспертларининг фикрича, Ўзбекистонда тадбиркорлик соҳасидаги 97 ислохотдан аттиги 24 таси тўлиқ жорий қилинган.

Президент Шавкат Мирзиёев қарорларда белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолатини танқидий таҳлил қилиш, бунга тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш, уларни ҳар бир соҳа, йўналиш ва ҳудуд кесимида ҳал этиш бўйича топшириқлар берди.

Мутасаддиларга 2020 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар, уларнинг масъул ижрочилари, аниқ муддатлари ва молиялаштириш манбаларини кўрсатган ҳолда "йўл харитаси" ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу ҳужжатларда ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қилинадиган ишлар ҳамда келаси йили эришиладиган марралар ўз аксини топади.

Ислохотларни жадаллаштириш ва "йўл хариталари" ижросини сифатли таъминлаш мақсадида ҳар бир йўналиш бўйича "лоиҳа офислари" ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Бундай тузилмаларнинг асосий вазифаси муайян чора-тадбир бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этишдан иборат бўлади.

Белгиланаётган ишлар ижросини сифатли ташкил этишга кенг жамоатчилик, тадбиркорлар, халқаро молия институтлари мутахассислари, хорижий экспертларни жалб қилиш мақсадида мувофиқлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш, шу орқали рақобатбардошликни ошириш 2020 йилги энг устувор вазифа бўлиши кераклигини таъкидлади.

Тармоқлар раҳбарлари асосий эътиборни инвестициялар самардорлигига қаратиши лозимлиги қайд этилди.

Ислохотлар ижроси сўзсиз таъминланиши учун шундай назорат тизими белгиландики, унга мувофиқ, Ўзбекистон Бош вазири ҳар икки ҳафтада ишчи гуруҳлар томонидан баҳариланган ишлар, аниқланган муаммолар ва уларнинг ечимли юзасидан ишлаб чиқилган тақлифларни муҳокама қилиб боради. Масъул соҳа раҳбари ҳар ой аниқ бир ҳудуд мисолида баҳариланган ишлар ва уларнинг натижалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасида тақдирот ўтказиши. Мақсадли индикаторларни таъминламаган раҳбарнинг шахсий жавобгарлиги қўриб чиқилмади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича ишчи гуруҳлар раҳбарлари ва уларга бириктирилган масъулларнинг ахбороти тингланди.



ХАЛҚАРО ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ пул мукофотлари билан рағбатлантирилди

Пойтахтимизда Халқ таълими вазирлиги томонидан «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2019» республика танловида ҳамда Халқаро фан олимпиадаларида ғолиб чиққан ўқувчи ва ўқитувчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Таълим тизимида фаол, ташаббускор, изланувчан педагогларни саралаш мақсадида ташкил этилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2019» танлови якунларига кўра 34 нафар энг маҳоратли, фидойи ҳамда салоҳиятли ўқитувчи республика босқичи ғолиби деб топилган эди.

Тадбирда биринчи ўринни эгаллаган 12 нафар ўқитувчи 10 миллион сўмдан, 2-ўринни эгаллаган 12 нафар ўқитувчи 5 миллион сўмдан, учинчи ўринни эгаллаган 10 нафар ўқитувчи 3 миллион сўм миқдоридagi пул мукофотлари ҳамда Халқ таълими вазирлигининг махсус совғалари топширилди.

Тадбирнинг яна бир эътиборли жиҳати Президентимизнинг 2019 йил 3 майдаги

«Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан эндиликда Халқаро фан олимпиадалари ғолиблари ва уларнинг ўқитувчилари бир марталик пул мукофоти билан тақдирланиши белгиланди. Бу 1-ўрин олтин медаль учун энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баробари, ўқитувчи 450 баробар, 2-ўрин кумуш медаль учун 300 баробар, ўқитувчи 250 баробар, 3-ўрин бронза медаль учун 200 баробар, ўқитувчи 150 баробар миқдорда пул мукофоти берилмайдиган бўлди, деганидир.

Президентимиз раҳбарлигида халқ таълими тизимида тарихий ислохотлар амалга оширилаётгани туфайли сўнгги йилларда таълим соҳасидаги жиддий ўзгаришлар, замон талабларига мос равишда халқаро андозалар даражасидаги ўқитиш услубияти ва технологиялари татбиқ этилди, — дейди Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Алишер Умаров биз

билан суҳбатда.

Жорий йилда бўлиб ўтган Халқаро фан олимпиадаларида Ўзбекистон терма жамоаси жами 8 та медални қўлга киритди. 2019 йил 11-22 июль кунлари Буюк Британиянинг Бат шаҳрида бўлиб ўтган 60-Халқаро математика олимпиадасида (IMO) Ўзбекистон жамоаси 1 та бронза медали ва 3 та дипломни, 14-21 июль кунлари Венгриянинг Сегед шаҳрида бўлиб ўтган 31-Халқаро биология олимпиадасида (IBO) эса 2 та бронза медални, 21-30 июль кунлари Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган 51-Халқаро кимё олимпиадасида (IChO) 2 та кумуш ва 2 та бронза медални қўлга киритди.

Тантанали тадбирда халқаро фан олимпиадаларида кумуш медални қўлга киритган Исмоил Каримов ва Моҳира Боптаева, ҳар бирига 66 миллион 900 минг сўмдан, уларнинг ўқитувчилари Бахтиёр Усмонов ҳамда Дилшод Хайдаровга 55 миллион 750 минг сўм пул мукофотлари топширилди. Шунингдек, бронза медалини қўлга киритган ўқувчиларга 44 миллион

600 минг сўм ҳамда уларнинг ўқитувчиларига 33 миллион 450 минг сўм пул мукофотлари берилди. Шу билан бирга, мазкур ўқувчилар Олий таълим муассасаларига кириш имтиёзига ҳам эга бўлдилар.

Президентимиз ташаббуси билан Халқаро фан олимпиадалари ғолиблари ва уларнинг ўқитувчиларини моддий жиҳатдан рағбатлантирилиши, бизга янада масъулият юқлайди, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи директори, биология фанлари доктори, профессор Ортиқбой Эшонқулов. — Жорий йилда Ўзбекистон терма жамоаси Халқаро фан олимпиадаларида жами 8 та медални қўлга киритган бўлса, уларнинг 5 таси бизнинг лицейимизнинг ўқувчилари ва ўқитувчилари ҳисобланади. Бу дегани, 500 миллион сўм пул мукофоти. Биз бу билан чекланмасдан, медаллар сонини янада ошириб боришни мақсад қилганимиз.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ийгирма тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2019 йил 30 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Сенаторлар дастлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йилги ҳаражатларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ижро

этиш жараёнида айрим соҳалар бўйича ҳаражатлар қўлайди, шу муносабат билан қўшимча маблағлар йўналтирилди. Бу йўналишлардаги ҳаражатлар 10 фоиздан ортққа ошиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш учун ҳаражатлар 12,3 фоизга камайиши кутилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг белгиланган тартибда Сенат қўриб чиқиши учун киритилган тақдимномасига мувофиқ тегишли йўналишлар бўйича 2019 йил учун тасдиқланган Давлат бюджети параметрларини 11676,3 миллиард сўмга

ошириш ва 95,2 миллиард сўмга камайтириш сўралган. Масала парламент аъзолари томонидан маъқулланди, Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин парламент аъзолари Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳри ва Самарқанд тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида, Сурхондарё вилояти таркибига Бандхон туманини ташкил этиш ҳамда Қизилқум, Бойсун ва Қумқўрғон туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалани қўриб чиқдилар.

Давоми 2-бетда. ►

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 3-бандига ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар:

Шухрат Раҳматович Аббасов ўн йил муддатга;

Раҳматилла Салайдинович Оразкулов ўн йил муддатга

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлансин.

2. Қуйидагилар:
Мукаддас Зиядуллаева Гуламова;
Хамра Жаҳангиревич Бердиклиев Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Раиси Т.Нарбаева

Тошкент шаҳри,
2019 йил 30 ноябрь

МУНОСАБАТ

Тарихий омилларга асосланган ҳаётий таклифлар

Мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатларининг маънавияти учрашувидида нутқиди билдирилган тақлифлар нафақат Ўзбекистонда, балки, бутун минтақамиз халқлари томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Чунки илгари сўралаётган бу гоилардан барчамиз баббаравар манфаатдоримиз.

Тошкентдаги мазкур учрашувда қандай масалалар муҳокама этилиши, қандай ташаббуслар қўтарилиши барчамизнинг бирдек қизиқтиратган эди. Қўпчилика яхши маълум, ўтган йили Қозғистондаги учрашувда минтақамизнинг бугунги долзарб масалалари муҳокама этилиб, улар ечимли юзасидан чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, қисқа муддатда ўз самарасини кўрсатди. Масалан, Қозғистон билан Ўзбекистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2018 йилда 50 фоиз ўсиб, 3 миллиард доллардан ошибди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида бу кўрсаткич 2,9 миллиард долларни ташкил этибди.

Қирғизистон билан товар айирбошлаш ўтган йили 481 миллион доллардан ошган эди, жорий йил январь-октябрь ойларида эса, 703 миллион долларга етди. Шунингдек, Тожикистон ва Туркманистон билан ҳам кўп томонлама ҳамкорлик кескин ошиб бормоқда.

Давоми 2-бетда. ►

ХУРМАТЛИ САЙЛОВЧИЛАР!

БУ ЙИЛГИ САЙЛОВЛАРГА 2 МИЛЛИОН
600 МИНГ НАФАРГА ЯҚИН САЙЛОВЧИ
ОВОЗ БЕРИШИ КУТИЛМОҚДА. УЛАРНИНГ
2 МИЛЛИОНДАН ОРТИҒИ САЙЛОВДА
БИРИНЧИ МАРТА ҚАТНАШАДИГАН
ЁШЛАРДИР.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ ТАҚДИРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН
ҚОНУНЛАРГА БОҒЛИҚ. ҚОНУНЛАР ҚАНДАЙ БЎЛИШИ ДЕПУТАТЛАР
КИМЛИГИГА БОҒЛИҚ. КИМЛАР ДЕПУТАТ БЎЛИШИ ЭСА СИЗ АЗИЗ
САЙЛОВЧИЛАРГА БОҒЛИҚ. ДЕМАК, ЧУҚУР ЎЙЛАБ, МУНОСИБ НОМЗОДЛАРГА
ОВОЗ БЕРИШИНГИЗ КЕРАК БЎЛАДИ.
СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ МАМЛАКАТ ТАҚДИРИНИ ҲАЛ ЭТАДИ!

Тарихий омилларга асосланган ҳаётий таклифлар

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ошиб, қон-қардошлик ришталари мустаҳкамланиб бораётгани, бундан бутун минтақамиз халқлари манфаатдор бўлаётгани инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари мунтазам йўлга қўйилгани тарихий воқеа сифатида эътироф этилмоқда. Минтақамизда юзага келган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш сиёсий, савдо - иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантириш турли таҳдид ҳамда хавф-хатарларнинг олдини олиш, тинчлик-осойишталикни сақлашда бебаҳо аҳамият касб этаётганини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш кераки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсатида қўшни давлатлар билан ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида муносабатларни ривожлантириш устувор ўрин тутайди.

Ўзбекистон учун ташқи сиёсат аввало қўшни давлатларга эътибор ва ҳурмат кўрсатишдан бошланади.

Давлатимиз раҳбарининг дастлабки нутқидан тортиб, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясига, 2017 сентябрь ойда БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида ҳам Ўзбекистон аввало минтақамизда яхши қўшничилик муносабатларини янада ривожлантиришнинг қатъий тарафдори экани таъкидлаб келинди. Бу сиёсий ирода амалий ишлар билан мустаҳкамланиб бормоқда.

Бу сибасатнинг маъно-мазмунини чуқурроқ аниқлаб олиш керак. Ўзбекистон қўшни давлатлар билан муносабатларини дўстона йўлга қўйиш самимий, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган муҳитни яратишга нега бунча катта эътибор қаратмоқда? Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини ташкил этиш ташаббусининг аҳамияти нимада?

Бугун дунёда глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олаётгани маълум. Марказий Осиё кучли давлатларнинг манфаатлари тўқнашаётган маконга айланиб қолганини ҳам биламиз. Бунинг устига халқаро терроризм, диний экстремизм каби хавф-хатарлар доим огоҳ бўлишни талаб этмоқда.

Ана шундай мураккаб бир шароитда Марказий Осиё давлатларининг бирлашиб ҳаракат қилиши, ҳамжихат бўлиши, бир-бирини қўллаб-қувватлаши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Биламиз, бизнинг бирлашмаслигимиздан манфаатдор кучлар йўқ эмас.

Қадимда ҳам, яқин ўтмишда ҳам бирлигимизга раҳна солишга уринишлар бўлганини унутганимиз йўқ. Бирлашмасак, кучсизланамиз, иқтисодий томондан қимларгадир қарам бўлиб қолишимиз мумкин.

Ҳамжихат бўлмай, бошимизга не кунлар тушган даврларни яхши биламиз.

Шунинг учун ҳам бирлашмоқ биз учун тинчлик, барқарорлик ва тараққиётнинг бош шарт, десак, муволаға бўлмайди. Бирлашмасак биримиз икки бўлмайди, бирлашсак юкимиз ерда қолмайди, ишларимиз юришади, энг мураккаб муаммоларни ҳам биргаликда енга олиш қудратига эга бўламиз.

Минтақамиздаги ҳар бир давлат катта ер усти ер ости бойлиқларига эга. Бой тарихига, юксак

«Давоми, бошлангани 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Сўнгра сенаторлар Давлат божхона хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларининг иккоро этилиши ҳолати ва Тошкент вилоятидаги чегара божхона постлари фаолиятини ўрганиш натижаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Давлат божхона хизмати органларида қонун ҳужжатлари ижроси ҳолатини ўрганишда қатор муаммолар масалалар аниқланганили, шу тўғрисида мазкур парламент сўровини юбориш зарурати юзага келганили таъкидланди. Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар арзон уй-жойлар қуриш жараёнидаги, шунингдек, аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш жараёнидаги муаммолар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрвлари юборилишини маълумлашди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий суди тарихига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда парламент юқори палатасининг ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Барча муҳокама этилган масалалар юзасидан Сенатнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлисида 19 масала, шу жумладан, 10 қонун кўриб чиқилди. Сенаторлар томонидан маълумланган Ўзбекистон Республикаси қонунлари давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ишловларнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашга, шунингдек, халқаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишчи якунида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

«Давоми, бошлангани 1-бетда.

маърифатга эга халқларимиз, меҳнаткаш салохиятли, бирлашса, ҳар қандай синовни енгиб ўта олади.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, ҳулоса қиладиган бўлсак, Ўзбекистоннинг ташаббуслари қадри янада юксакроқ намоён бўлади.

Қўшни давлатлар билан дўстлигимиз бебаҳо бойлигимиз эканини чуқурроқ ҳис этишимиз. Шу боис ҳам Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкентда ўтадиган навбатдаги маслаҳат учрашувида қандай масалалар муҳокама этилиши, қандай янги ташаббуслар илгари сурилиши барчамизни бирдек қизиқтираётган эди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқининг аввалида уч муҳим саволни ўртага қўйди: Марказий Осиё қанчалик ишчил ва барқарор ривожланади? Бизнинг мамлакатларимиз қандай янги хавф-хатар ва таҳдидларга дуч келиши мумкин? Биз умумий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда минтақавий ҳамкорлигимизни бундан кейин қандай олиб борамиз?

Бу саволлар бугуннинг саволлари. Ростдан ҳам мураккаб саволлар, аниқ чуқур ўйланган жавобларни талаб этадиган саволлар. Аслида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларида ана шундай долзарб масалаларга жавоб топиш вазифаси юқлатилган. Мамлакатимиз Президенти ўз нутқида минтақавий ва глобал муаммолар ҳақида тўхталиб, дунёда Марказий Осиёга эътибор ортиб бораётганини таъкидлар экан, ҳамкорларимиз эътиборини навбатдаги устувор йўналишларга қаратди.

Биринчи бўлиб, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт коммуникация ва энергетика соҳаларидаги вазифаларни амалга оширишга бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш муҳимлиги, булар бутун минтақанинг жадал тараққиёти ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг устувор вазифалари экани таъкидланди. Эътибор бериб қаралса, юқорида қайд этилган масалалар муҳим ҳаётий аҳамиятга эгалигини, уларни ҳал этмай тараққиёт этиш мумкин эмаслигини аниқлаймиз. Президентимиз фақат таҳлилларни айтиш билан чегараланаётгани йўқ, айна чоғда уларни амалга ошириш механизмларини ҳам кўрсатиб ўтди.

Шунингдек, Бош вазир ўринбосарлари ва ташқи ишлар вазирларининг кўп томонлама учрашувларини мунтазам ташкил этиш, Парламентлараро дўстлик гуруҳини таъсис этиш тақдир қилинмоқда. Яъни, муаммолар йиллаб тўпланиб қолмасин, ўз вақтида ҳал этилсин, янги имкониятлар устида ошқора ишлансин, дейилмоқда. Парламентлараро дўстлик гуруҳи дейилганида нафақат қонун ижодкорлиги бўйича

”

Бугун дунёда глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олаётгани маълум. Марказий Осиё кучли давлатларнинг манфаатлари тўқнашаётган маконга айланиб қолганини ҳам биламиз. Бунинг устига халқаро терроризм, диний экстремизм каби хавф-хатарлар доим огоҳ бўлишни талаб этмоқда.

Ижтимоий тенглик ва бирдамликни сиз билан бирга таъминлаймиз

Сайлов кодексининг 9-боб 44-моддасига кўра, номзодлар Сайловолди ташвиқотини олиб бориш ҳуқуқига эга. У сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган, сайловчиларни номзод ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият ҳисобланади.

Ўзбекистон ХДПдан кўрсатилган номзодлар ҳам кодексга мувофиқ, рўйхатга олиш учун белгиланган охири куннинг эртасидан эътиборан ташвиқот учрашувларини бошлади. Бекобод шаҳридаги 6-Тинчлик сайлов округида ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзод Р.Раҳмонов ва халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгашига шу сайлов округидан кўрсатилган номзод Э.Муротов сайловчилар билан учрашди. Унда иштирокчиларга партия мақсадлари, илгари сураётган гоя ва ташаббуслари ҳақида

тушунчалар берилди.

Таъкидландики, Халқ демократик партияси Ўзбекистонда ижтимоий адолат ва тенглик, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий демократия мезонларига мос келадиган ижтимоий демократик давлат барпо этишни ўзининг олий мақсади сифатида белгиланган. Шунинг учун Ўзбекистон ХДП иқтисодий ишловларнинг ижтимоий самардорлигини оширишга устувор аҳамият қаратган. Партия мамлакатнинг тобора юксалаётган иқтисодий салохияти аҳолининг кам таъминланган қатламлари турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш учун хизмат қилиши керак, деб ҳисоблайди. Бу мамлакатда ижтимоий барқарорлик ва фуқаролар бирдамлигини янада мустаҳкамлашнинг асосий омилли ҳамда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим шартли саналади.

Ушбу устуворликдан келиб чи-

қиб, партия ўз депутатлари орқали иқтисодий ишловларнинг ижтимоий самардорлигини ошириб бориши, жамиятда фаол фуқаролик позициясини шакллантириши, ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириши кўзда тутайди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда партия барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тарафдори бўлган барча шахсларнинг қўлига таянади.

Учрашувда, шунингдек, депутатларнинг сайловолди дастури ҳақида ҳам маълумот берилди. Улар бевосита партия гояларига ҳамоҳуд бўлиб, ҳудуддаги ижтимоий масалалар қамраб олингани таъкидланди. Энг аввало, аҳоли бандлигини таъминлаш, барча учун мақбул шароит яратиш ташаббуси билан чиқаётгани қайд этилди.


Номзодлар сайловчиларнинг саволларига жавоб беришди.

ҳам ўз ватанига қайтишни исташи қайд этилди.

Йигит-қизлар яна қатор масалаларда саволлар билан мураккаб қилди. Номзоднинг ваъдалари келгусида қай тарзда амалга оширилиши юзасидан фикрларини тинглашди. Агар дастурда белгиланган вазифалар қозғола қолиб кетмаса, албатта номзодни қўллаб-қувватлашларини, ҳатто доимо уларга ҳамонофас тарзда ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ ташаббусларни амалга оширишга қўмлаштиришларини билдиришди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Ахборот хизмати.

Мамлакатнинг адолат мезони, обрў-эътиборини белгилайдиган, давлат ва миллат қиёфасини дунёга танитадиган ҳам Асосий қомусимиз саналади. Конституцияга халқ тафаккури ва ижод маҳсули, дея таъриф берилган. Унда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан юртимизда истиқомат қиладиган барча халқлар тенг фойдаланиб келмоқда. Зеро, ҳурмат, меҳр-эътибор, эъзоз топган, ардоқланган инсон узоқ умр кўриши табиийдир.



АСОСИЙ ҚОМУС ВА ЮКСАК ЭЪТИБОР ҲИМОЯСИДА

Асосий қомусимизда келажагимиз таянчи ва ишончи бўлган ёш авлод, хусусан, болалар ҳуқуқ ва эркинликларига алоҳида эътибор қаратилган. Бирлашган миллатлар ташкилотининг Бона ҳуқуқлари конвенцияси қабул қилинган санага 30 йил тўлди. Мазкур конвенция республикамизда 1992 йилда ҳам ратификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик ҳужжатларида болаларни, жумладан, ногирон, етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, сифатли табиий хизмат кўрсатиш тизимининг самардорлигини ошириш борасида кенг қўлама ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, Республикаимиз Президентининг 2019 йил 23 августда қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳам бу борадаги муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Шуниси қувонарлики, болалар ҳуқуқ ва эркинликлари, саломатлигини муҳофаза қилиш, она ва бола соғлигини сақлашда давлат органлари билан бирга нодавлат ташкилотларининг роли ва амалий иштирокига катта эътибор қаратилган.

Болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги олий мақсад йўлида ҳуқуқимизнинг юқори органлари, вазирлиқлар, ташкилотлар билан бирга “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Фонд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш”га оид Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида қўллаб-қўриқий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келади.

Жумладан, Фонд томонидан 2019 йилда Ҳаракатлар стратегиясининг тўрт йўналиши бўйича, яъни аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Келинг, амалий мисолларни келтириб ўтайлик. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ва Германиянинг “Peace Village International” халқаро ташкилоти ўртасида уч томонлама шартнома тузилган. Мазкур шартнома доирасида ҳар йили икки марта 12 ёшга булган ўнлаб бемор болалар Германиядаги нуфузли клиникаларда бепул даволаниб келмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд оила фарзандларига кўрсатилаётган ёрдам тўғрисида қўллаб-қувватлаш бўлиб келмоқда.

2002–2019 йиллар давомида ўзбекистон 390 нафар бемор бола тананинг қуйиш асоратлари, туғма ошқозон-ичак, сийдик ва нафас йўллари ҳамда таъин-ҳаракат тизими туғма ва орттирилган нуқсонлар ҳамда бошқа ташвишлар бўйича Германиянинг нуфузли клиникаларида даволаниб қайтди.

2019 йилда жами 26 нафар бола Германия клиникаларида даволанишга юборилди. Шу даврда илгари даволанишга юборилган 16 нафар бемор бола ота-оналари бағрига қайтиб келди. Бугунги кунда 19 нафар бола даволанишни давом эттирмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 25 декабрдаги “2018–2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат Дастури тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича “Соғлом авлод учун” фонди томонидан кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур Дастур доирасида 2017–2019 йилларда 600 нафардан ортиқ юрак туғма нуқсонини билан оғирган бемор болаларда бепул операциялар муваффақиятли амалга оширилди.

Жумладан, жорий йилда юрак туғма нуқсонини билан болалар республикамиз клиникалари, жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳам операция қилинди.

Шунингдек, “Эзгу ният” кўп тармоқли тиббиёт марказида 15 нафар, Жанубий Корея клиникаларида 12 нафар, Ҳиндистон Республикасида 5 нафар, “Эра мед” МЧЖ хусусий клиникасида юрак туғма нуқсонини билан беморлар республикамиз клиникаларида Германиянинг “Peace Village International” халқаро

ташкilotи грант маблағлари доирасида ва 32 нафар бемор болалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ижтимоий буюртмаси грант маблағлари доирасида операция қилиниб, соғломлаштирилди. Бугунги кунда фонд қўмағи билан 215 нафар юрак туғма нуқсонини билан бемор болалар операция орқали соғломлаштирилди ва ушбу жараён давом эттирилмоқда.

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг “Peace Village International” халқаро ташкilotи ҳамкорлиги доирасида ажратилган грант маблағлари ҳисобига республикамиз клиникаларида (Тошкент стоматология институти клиникаси, Андижон, Фарғона, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ҳамда Андижон травматология касалхонаси) лаб-танглай туғма нуқсонини, ортопедик оёқ нуқсонини ва қуйишдан кейинги контрактура ташхиси қўйилган 180 нафар бола муваффақиятли операция қилинди.

Халқаро қўламада ҳорижлик ҳамкорлар билан амалга оширилаётган бундай эзгу ишларга қўллаб-қувватлашнинг келтириш мумкин. Энг асосий масала уларнинг сониди эмас, қанчадан-қанча бемор болаларга кўрсатилаётган бегараз тиббий ёрдамда, кўрсатилаётган юксак инсоний фаилатдадир. Зеро, умуминсоний қадриятлар бутун башариятни улуғлайди, юксалтиради. Айниқса, соғлиги тикланган болаларнинг кўзлариди ҳам биринчи галдаги оғил саналади. Шунга қарамай нодавлат ташкilotларнинг ёш авлод вакилларининг соғлигини асраб-авайлаш, муҳтож болаларни бегараз, бепул операцияларини ташкил қилиш йўлида амалга оширилаётган сый-ҳаракатлари баралла овозда айтиш лозим бўлган воқеалардир.

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонднинг инсонпарварлик мақсади, аввало, ҳуқуқимизни, халқимиз томонидан доим қўллаб-қувватлаш келинаётди. Дунёдаги барча халқлар миллати, ёши, эътиқодидан қатъи назар, ўз бахтини, аввало, оиласи, яқинларининг тинчлиги, саломатлиги, хавфсизлиги билан боғлайди. Оиланинг мустаҳкамлиги, барқарорлиги эса жамият, давлатнинг тараққиётини белгилайди. Шу боис Конституциямизда, у асосида қабул қилинган бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларида ҳам оила, инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатлари олий қадрият сифатида эътироф этилади.

Халқаро “Эл Виста” тадқиқотлар маркази таҳлили натижаларига кўра, Ўзбекистон дунёда узоқ умр кўрувчилар сони бўйича Япония, Хитой, АҚШ, Буюк Британия ва Италиядан сўнг 6-ўринни эгаллагани бежиз эмас. Зеро, Асосий Қонунимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало болалар ҳуқуқ ва эркинликларининг мустаҳкамлаб қўйилиши ва амалдаги ижроси намоён бўлаётгани фикримизнинг тасдиқидир.

Шу маънода халқимизнинг олий мақсади, иродасини ўзида мужассам этган Конституциямиз билан ҳар қанча фарқланса, гуруҳланса, ағрийди. Чунки айнан Асосий қомусимиз, Республикаимиз фуқароларининг, жумладан, ёш авлод ҳуқуқлари, эркинлигини тўлиқ рўёбга чиқаришга, уларни ижтимоий ҳимоялашни тўлиқ амалга оширишга мустаҳкам замин яратди.

Ота-онаси ҳимояси ва гамхўрлигида бўлган болалар ҳеч қачон қўймайди. Чунки улар ишончли қўлларда эканини ич-ичидан ҳис этади ва ўз навабатида юртига, ота-онасига муносиб фарзанд бўлиб вояга етишга интилади. Юрт фарзандларига бўлган бундай эъзоз ва эътибор натижаси уларнинг ёрқин келажагида намоён бўлиши шубҳасиз.

Светлана ИНАМОВА, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси.

Биз юксак ишончингизни оқлаш ва олдимиздаги 12 қадамни ташлаш учун қатъий курашамиз!

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ДАСТЛАБКИ 12 ҚАДАМИ

Мамлакатимиз катта сиёсий воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар арафасида турибди. Бугун халқимиз, кенг жамоатчиликнинг диққат-эътибори ушбу воқеага қаратилган. Сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқотини қизгин олиб бормоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ушбу сайловда фаол ва муносиб иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Катта тажрибага таянган ҳолда, янги ғоялар ва илғор ташаббуслар, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган асосли, аниқ таклифлар билан янги сайловга қадам қўйди.

Партия 2030 йилгача мамлакатимизда ижтимоий демократик давлат асосларини шакллантиришни ўзининг дастурий мақсади, деб белгилади.

Сайловлардан сўнг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатларимиз яқин 5 йил ичида ушбу мақсадга эришиш йўлида «12 қадам» лойиҳасини амалга оширади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларидаги номзодларимиз дастурлари ҳам айнан мазкур йўналишлардаги устувор ғояларга асосланади.



БИРИНЧИ ҚАДАМ: ЯШАШ МИНИМУМИ ОРҚАЛИ АҲОЛИНИНГ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ҚАТЛАМИНИ ҚўЛЛАБ-ҚўВВATЛАШ ИМКНИ ОРТАДИ. ҚАНДАЙ ҚИЛИБ?

Феруза РАҲИМОВА, 64-Нарпай сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Айтиш керакки, яшаш минимуми кўрсаткичлари давлат томонидан ижтимоий сиёсат юртида қўлланилади. Хусусан, аҳолининг турмуш даражасини баҳолаш учун яшаш минимумидан паст, тенг ва юқори даромадли аҳоли салмоғи аниқланади. Шу асосда аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш учун аниқ етиб борадиган манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатилади. Энг кам иш ҳақи ва пенсияларни асослашда фойдаланиладиган ушбу кўрсаткич кам таъминланганлик мезони ҳамдир.

Пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар расмий белгиланган яшаш минимумидан кам бўлмаслигини конституциявий меъёр билан амалга ошириш энг муҳим вазифадир.

Шундан келиб чиқиб, биз пенсиялар, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар расмий белгиланган яшаш минимумидан кам бўлмаслигини таъминлаш, бу борада конституциявий меъёрларни амалга оширишга интиламиз.

Парламентдаги фракциямиз ҳар бир инсоннинг биринчи галдаги ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қўлоқлаштиришни таъминловчи истеъмол саватчаси қиймати асосида яшаш минимуми таърифини қўнун билан мустаҳкамлашга эришади.



ИККИНЧИ ҚАДАМ: АҲОЛИ ҲАЁТИЙ ЗАРУР ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРДАН БЕПУЛ ФОЙДАЛАНИШИ КЕРАК. БУНИНГ УЧУН...

Пўлат ХУДАЙБЕРГЕНОВ, 2-Тўртқўл сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Ижтимоий ҳимоя тушунчаси нафақат ижтимоий ёрдам ва нафақалар билан таъминлашни, шу билан бирга, ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини изчил ривожлантиришни ҳам қамраб олади.

Айтиллик, кимгадир иш шароитида енгиллик яратиш керак. Ёки кимдир соғлиғини тиклаш учун ёрдамга муҳтож. Жисмоний имконияти чекланганларга эса таълим соҳасида қўлайлик керак бўлади. Эҳтиёжманд инсонларга ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, таълимга оид, тиббий, реабилитация хизматларини кўрсатиш орқали уларнинг турмуш тарзини яхшилаш, жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун имконият яратиш муҳим масала ҳисобланади. Демак, ижтимоий хизматлар сифатини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Шуларни инобатга олиб, биз ҳар бир инсоннинг ҳаётий зарур ижтимоий хизматлардан беғул фойдаланишини қўнунчилик даражасида ва реал ҳаётда қафолатлашни истаимиз. Биз фуқароларнинг таълим олиш, соғлиғини сақлаш ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш, уй-жой, ижтимоий ҳимоя, маданий ҳаётда иштирок этиш ва малакали юридик хизматдан фойдаланиш ҳуқуқлари қафолатланади.



УЧИНЧИ ҚАДАМ: КАМ ТАЪМИНЛАНГАН АҲОЛИ ҚАТЛАМИНИ КУНДАЛИК ЗАРУР ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ КЕРАК.

Гулноза САТИМОВА, 10-Олтинқўл сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Партиямиз эҳтиёжманд аҳоли қатламининг кундалик зарур товар ва хизматлардан фойдаланишини таъминлаш учун курашади.

Ана шу мақсадда партия, илғор халқаро тажрибадан келиб чиқиб, кам таъминланган аҳоли қатлами учун кундалик зарур товар ва маҳсулотларни арзон нархларда сотиш бўйича ижтимоий дўконлар тармоғини ривожлантиришни ҳам режалаштирган.

Бу орқали аҳолининг кам таъминланган қатламлари, пенсионерлар, имконияти чекланган инсонлар ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, ижтимоий аҳамиятга эга кундалик эҳтиёж маҳсулотлари ва хизматларига ижтимоий мақбулликни таъминлашга эришиш имкони ортади, деб ўйлаймиз.



ТўРТИНЧИ ҚАДАМ: НОГИРОНЛИГИ БўЛГАН ШАХСЛАР УЧУН ТЕНГ ИМКОНияТЛАР ЯРАТИШ ТАРАФДОРИМИЗ.

Хатамбой БАДАЛОВ, 49-Йўли сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Бугунги кунга келиб ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ҳамда даражасини оширишга кенг қамровда ёндашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Чунки улар ҳам сизу биз каби жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси.

Шуларни инобатга олиб, парламентдаги фракциямиз БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясини ратификация қилиш ташаббуси билан чиқади. Шунингдек, миллий қўнунчиликни БМТнинг Ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлаш бўйича меъёрий қўйдаларига мувофиқлаштиришга эришади.

Бир вақтнинг ўзида партия парламент, депутатлик ва жамоатчилик назорати воситасида уларнинг барча вилоятлар ва аҳоли пунктларида ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилишига эришади.



БЕШИНЧИ ҚАДАМ: КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАРИНИНГ МОНОПОЛИЯСИГА БАҲҲАМ БЕРИШНИ РЕЖАЛАШТИРГАНМИЗ.

Зулфия ТУЙЕВА, 27-Варахша сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Партиямиз депутатларига, «Жамоатчилик қабулхоналари»га коммунал хизматлар соҳасига тегишли қўллаб-қувватлаш келиб тушмоқда. Уларнинг аксариятида тўлов билан боғлиқ муаммолар вазиятлар, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, қўшимча ҳақ ҳисоблаш каби ҳолатлар баён этилган.

Шундан келиб чиқиб, биз энергетика ва моддий ресурсларнинг катта йўқотишларини истеъмолчилар гардания қўлайдиган коммунал хизматлар етказиб берувчиларнинг монополиясига баҳам беришни қўзлаганмиз.

Халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз яқин беш йил ичида шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларда ҳам аҳолини қиммат бўлмаган электр энергия, иссиқлик таъминоти билан таъминлаш бўйича замонавий автоном тизимларни яратишга, бу борада ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга эришмоқчи.



ОЛТИНЧИ ҚАДАМ: АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАИФ ҚАТЛАМИ АРЗОН ТУРАР-ЖОЙЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ ЛОЗИМ.

Обиджон САИДОВ, 38-Навоий сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш ва турмуш сифатини яхшилашда уларни уй-жой билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Уй бор одам кўнгли хотиржам яшайди. Шу маънода айтадиган бўлсак, эҳтиёжманд, ўзгалар қаровига муҳтож, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий сиёсатни изчил амалга ошириш аҳолининг ижтимоий заиф қатламига муносиб турмуш шароити яратиб беришдан бошланади. Бунинг учун албатта, уларни арзон турар-жойлар билан таъминлаш муҳим масала ҳисобланади.

Партиямиз аҳолининг ижтимоий заиф қатламига арзон турар-жойлар қўрилишини кенгайтириш учун қатъий ҳаракат қилади.

Жумладан, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз яқин 5 йил ичида ижтимоий аҳоли оғир, яшаш шароитини яхшилашга муҳтож аёллар, фарзандларини тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган кам таъминланган оналар ва «Меҳрибонлик» уйлари битирувчиларини уй-жой билан таъминлашни назоратга олади.



ЕТТИНЧИ ҚАДАМ: МАЖБУРИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР РЎЙХАТИНИ ҚОНУН БИЛАН ТАСДИҚЛАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.

Гулчехра ИСЛАМОВА, 72-Гулистон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Парламентдаги фракциямиз мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида беғул тақдим этиладиган мажбурий тиббий хизматлар рўйхатини қўнун билан тасдиқлашга эришишни қўзлаган. Мақсадимиз — одамлар тиббий хизматдан рози бўлсин.

Жумладан, биз яқин орада юқори технологияли тиббий хизматлардан фойдаланган ҳолда, кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ижтимоий заиф қатламдаги аҳолини ҳар йили беғул юқори технологияли кўрикдан ўтишга эришмоқчимиз.



САККИЗИНЧИ ҚАДАМ: ЭҲТИЁЖМАНД АҲОЛИГА ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАЛАРИ, ПРОТЕЗЛАШ ВОСИТАЛАРИ ВА БОШҚА ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР ЗАРУР.

Муҳаббат УМАРОВА, 82-Шўрчи сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Партиямиз парламент, депутатлик ва жамоат назорати воситасида эҳтиёжманд бўлган тоифадаги аҳолига дори воситалари, медикаментлар, протезлаш воситалари ва бошқа тиббий-ижтимоий хизматларни харид қилиш имтиёзини тақдим этишда ижтимоий адолат тамойилига тўла амал қилишга эришади.

Жумладан, биз пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оилалар, «Мурувват», «Саховат» ва «Меҳрибонлик» уйларида яшовчилар, аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий хизмат кўрсатиш, уларни дори воситалари ва тиббий мақсадлар учун мўлжалланган буюмлар билан таъминлаш, шунингдек, ижтимоий дорихоналар тармоғининг ривожланиши ва фаолияти устидан қатъий назорат олиб борамиз.



ТЎҚҚИЗИНЧИ ҚАДАМ: ТАЪЛИМДА ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ТАРАФДОРИМИЗ!

Зокиржон НУРОВ, 93-Паркент сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Биз яқин орада барча аҳоли қатламларига мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча таълим муассасаларида сифатли мактабга, ўрта, олий таълим, хусусан, касбий таълим олишлари ва малакасини оширишлари учун тенг имкониятлар яратишга эришмоқчимиз.

Беғул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган давлат мактабга таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва келгусида 6 ёшдаги болаларни мажбурий мактабга таълим ва тарбия билан тўла қамраб олиш, мактабга таълим муассасаларида 3 ёшдан кичик болалар учун махсус тарбия гуруҳларини ташкил этиш таклифини илгари сурдик.

Бундан ташқари, партиямиз мактаб ўқувчиларига жамоат транспортида беғул юриш ҳуқуқини тақдим этиш ҳамда барча мактаблар ва мактабга таълим муассасаларида ўқувчилар ва тарбияланувчиларни баланслашган соғлом озиқ-овқатлар билан қафолатли таъминлаш ташаббуси билан чиқади.



ЎНИНЧИ ҚАДАМ: ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ШИФОКОРЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МАВҚЕИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ — ҲАЁТ ТАЛАБИ.

Отажон РАСУЛОВ, 103-Қўқон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Партия ўқитувчилар ва шифокорларнинг ижтимоий мавқеини янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратади.

Ана шу мақсадда бизнинг парламент фракциямиз соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаси ходимларининг шаъни, кадр-қиммати, обрўйи ва хавфсизлигини ишончли ҳимоя қилишнинг таъминлайдиган меъёрларни қўнуний жиҳатдан мустаҳкамлашга эришади.

Биз, шунингдек, юқори малакали тажрибали мутахассисларни чекка ва олис қишлоқ аҳоли пунктларидаги тиббиёт ва таълим муассасаларига ишга жалб этиш мақсадида имтиёзлар ва рағбатлар тизимини жорий этишга ҳам интиламиз. Бу қишлоқ аҳолисининг сифатли таълим ва тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.



ЎН БИРИНЧИ ҚАДАМ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЕНГАЙСА, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЯНАДА ЮКСАЛАДИ.

Тошбўри ЭГАМНАЗАРОВ, 134-Яккабоғ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз яқин беш йил ичида маҳаллий бюджет маблағлари ва хусусий инвестициялар ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли корхоналарни ривожлантириш ҳудудий дастурларини амалга оширишни таклиф этади.

Шу асосда биз беш йилда ишга лаёқатли аҳолининг яшаш минимумидан камида 50 фоиз юқори бўлган иш ҳақи даражасига эга барқарор иш ўринларида бандлик унумдорлигини 2 баравар оширишга эришмоқчимиз.

Биз, шунингдек, вақтинчалик, бир марталик иш билан таъминлаш бюроси фаолиятини ташкиллаштириш, жумладан, ушбу меҳнатда банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари қафолатли ҳимоя қилинишини таъминлашда керакли тартибни жорий этишга ҳам эришамиз.



ЎН ИККИНЧИ ҚАДАМ: АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ КАЙФИЯТИГА ТАЪСИР КўРСАТУВЧИ МУАММОЛАРНИ ОЛДИНДАН АНИҚЛАШ ВА САМАРАЛИ ҲАЛ ЭТИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАНМИЗ.

Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ, 150-Шайхонтохур сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:

— Бизнинг парламент фракциямиз аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мажбурий ижтимоий маслаҳати, жамоатчилик муҳокамаси ва жамоатчилик экспертизаси механизминини қўнуний жиҳатдан мустаҳкамлашга эришади.

Партия ижтимоий барқарорлиқни мустаҳкамлаш ва мустаҳкам тараққиётни таъминлаш мақсадида давлат органлари фаолиятига, аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатувчи муаммоларни олдиндан аниқлаш ва самарали ҳал этишни таъминлайдиган ижтимоий диагностиканинг замонавий услубларини жрий этишга эришишни режалаштирган.

Ҳурматли сайловчилар!

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодларга овоз берсангиз, энг мақбул, энг ишончли йўлни танлаган бўласиз.

Биз юксак ишончингизни оқлаш ва олдимиздаги 12 қадамни ташлаш учун қатъий курашамиз!

Телевидение, босма ОАВ да кечаётган баҳс ва мунозаралар мавзуи эндиликда жойларда, маҳалла — куйларда номзодлар билан учрашувларга ҳам кўчди.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

22 декабрь — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатлигига сайловлар куни яқинлашган сари номзодларда ҳаяжон, масъулият ортиб бормоқда. Албатта, ўз навбатида сайловчилар билан мулоқотлар ҳам тобора қизгин тус олмақда. Телевидение, босма ОАВ да кечаётган баҳс ва мунозаралар мавзуи эндиликда жойларда, маҳалла-куйларда номзодлар билан учрашувларга ҳам кўчди. Ҳар бир учрашув савол-жавобларга, баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтмоқда.

Худди шундай учрашувлардан бири Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти Сергели туман бўлимида ўтказилди. Унда ҳудуддаги 130 нафарга яқин ногиронлиги бўлган шахслар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 149-Кўйлик сайлов округидан Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод Алишер Равшанов сайловчилар билан жонли мулоқот олиб борди. Номзод йирилганларга ногиронлиги бўлган шахслар манфаатини кўзлаб Сайловолди дастуримида илгари суриваётган масалалар хусусида атрафлича маълумот берди. Уй-жой, коммунал соҳа, шунингдек, кўзи ожиз инсонлар учун брайль алифбосидаги китобларни кўпайтириш масаласидаги саволларга жавоб бериб, бу борада партиянинг позициясини маълум қилди.

42-Мевазор сайлов округидан номзод Исроил Гулямовнинг сайловчилар билан учрашуви ҳам қизгин ўтди. Чилонзор туманидаги 114-мактабда бўлиб ўтган учрашувда асосий эътибор таълим соҳасига қаратилди.

Номзод Исроил Гулямов партиясининг ўтган сайловлардан бўён эришадиган ютуқлари, амалий ишлари хусусида гапириб берди. Иштирокчилар номзодга партия томонидан кўтарилган ташаббуслар қай даражада амалиётга жорий этилаётгани ҳақида савол берди.

— Таълимга алоҳида эътибор қаратган мамлакатнинг келажиги буюк бўлади, — дейди номзод Исроил Гулямов. — Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, соҳа ривожини учун ҳар қанча ҳаракат қилсак, ислохотларни амалга оширсак арзийди ва ўзининг самарасини бермасдан қолмайди. Хўш, бу борада Халқ демократик партиясининг позицияси қандай? Энг аввало, биз бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган давлат мактабига таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш тарафдоримиз. Шунингдек,



6 ёшли болаларни мажбурий мактабга таълим билан тўлиқ қамраб олиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу ўғил-қизларимизнинг дастлабки билимга эга бўлишига, ўқув дастурларини қийналмасдан ўзлаштиришига сабаб бўлади.

Бир неча йиллардан буён кўнглимга туккан ниятим бор. Ўзим ҳам шириндан-шакар болаларнинг бобосиман. Доим мактабда нима ёйишган экан, тезпишар таомлардан ошқозони бузилмасмикан, деган ўй билан юраман. Бу кўпчилик бува-ю бувилар, ота-оналарни ўйлантиса керак. Менда қачондир қонунчиликка ўзгартириш, қўшимча киритиш имкони бўлса, албатта шу масалани кўтараман, дегандим. Янги Сайловолди дастуримида бошланғич синф ўқувчиларининг рационал овқатланишини таъминлаш учун таълим муассасаларида сифатли нонушта бериш тизимини амалиётга жорий этиш масаласи кўтарилганидан жуда хурсанд бўлдим. Мен депутат бўлсам, албатта мазкур йўналишга алоҳида эътибор қаратаман. Ҳар бир ҳаракатим билан фарзандларимизнинг фаровон турмуш кечирishiга ёрдам бераман.

47-Гулобод сайлов округидан номзод Муқаддас Раҳматуллаева ҳам Шайхонтоҳур туманидаги 157-мактабда сайловчилар билан учрашув ўтказди. Номзод режалаштирилган учрашувлардан ташқари, уйма-уй юриб, сайловчилар билан ҳам юзма-юз мулоқот қилмоқда.

— Ҳар бир номзод ўз сайлов округини яхши билиши, ҳудудининг иқтисодий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қила олиши керак, — дейди Муқаддас Раҳматуллаева. — Номзодим кўйилган сайлов округида 16 сайлов участкаси, 35 254 нафар сайлов-

чи бор. Умумий аҳоли сони 55 минг нафардан ортиқ. Ҳудудда 10 та умумтаълим ўрта таълим мактаби, 12 мактабга таълим муассасаси, 2 оилавий поликлиника, 1 туман тиббиёт бirlашмаси, кўп тармокли марказий поликлиника, республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий маркази фаолият юритади.

Сухбатлар давомида аҳоли вакиллари уй-жой масаласи бўйича кўп мурожаат қилмоқда. Масалан, «Оқлон», Маннон Уйғур номли маҳаллаларда мазкур муаммо кўп бора юзга чиқмоқда. Бир хонадонда 4-5 оила биргаликда яшаяпти. Бу масала ечимни Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида акс этганини таъкидлаялман. Эҳтиёжманд аҳоли вакиллари, ногиронлиги бўлган шахсларнинг уй-жой олишида, бошланғич тўловларда уларга имтиёз яратиш зарурлигини, бу биз учун устувор аҳамиятга эга эканини тушунтириб келялман, — дейди Муқаддас Раҳматуллаева.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Бизнинг номзодлар билан яқиндан танишинг ва улар учун овоз беринг!

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши Ахборот хизмати.

ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК ВА БИРДАМЛИК

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилояти ва туман кенгашлари ҳамкорлигида “Мақсадимиз — аҳоли турмуш даражасини янада ошириш” ширин остида партиянинг янги форматдаги сайловолди ташвиқоти жой-

ларда давом этмоқда.

Жондор туманидаги иқтисодий коллежида 27-Варахша сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Зулфия Тўйева ҳамда вилоят ва туман кенгаши депутатлигига номзодлар Раҳмат Муродов ва Ражаб Худоевларнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Ташвиқот тадбирида номзодларнинг ишончли вакиллари уларнинг таржимаи ҳоли, ҳаётий қарашлари ҳақида батафсил маълумот беришди. Номзодлар эса партия дастури асосида амалга оширмоқчи бўлган сайловолди дастурларини жамоатчиликка таништиришди.

Ўзбекистон ХДП иқтисодий ислохотларнинг иқтисодий самардорлигини оширишга устувор аҳамият қаратган. Партия мамлакатнинг тобора юксалаётган иқтисодий салохияти аҳолининг кам таъминланган қатламлари турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш учун маъмулот қилиш керак, деб ҳисоблайди. Бу мамлакатда иқтисодий барқарорлик ва фуқаролар бирдамлигини янада мустаҳкамлашнинг асосий омилли ҳамда барқарор иқтисодий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим шартини санайди.

Учрашувда, шунингдек, номзодларнинг сайловолди дастури ҳақида ҳам маълумот берилди. Мазкур сайловолди дастурлари бевосита партия голярига ҳамроҳан бўлиб, унда Жондор туманидаги иқтисодий масалалар қамраб олингани алоҳида таъкидланди. Энг аввало, аҳоли бандлиги, айниқса, тумандаги бандлиги таъминланмаган хотин-қизларни ишга жойлаштириш, ҳудуддаги чекка қишлоқларни газ ва ичимлик суви билан таъминлаш биринчи галда ҳал этилиши лозимли-

ги таъкидлаб ўтилди.

— 27-Варахша сайлов округида 137 минг 890 та сайловчи бор, — деди Зулфия Тўйева. — Мазкур округдаги 74 та сайлов участкасидан 51 таси Жондор тумани ҳудудида жойлашган. Туманда меҳнатга лаёқатсиз заиф қатлам сони 16030 тани ташкил этади. Шундан ногиронлиги бўлган пенсионерлар 2073, боқувчисини йўқотгани эса 803 нафар. Уларнинг ҳамда аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш учун аниқ етиб борадиган манзилли иқтисодий ёрдам кўрсатиш — бош мақсадимиз. Пенсия, нафақа ва бошқа иқтисодий тўловлар расмий белгиланган яшаш минимумидан кам бўлмаслигини таъминлаш энг муҳим вазифадир. Шундан келиб чиқиб, биз пенсиялар, нафақа ва бошқа иқтисодий тўловлар расмий белгиланган яшаш минимумидан кам бўлмаслигини таъминлаб, бу борада конституциявий меъёрларни амалга оширишга интилялмиз. Парламентдаги фракциямиз ҳар бир инсоннинг биринчи галдаги ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қаноатлантиришни таъминловчи истеъмол саватчаси қиймати асосида яшаш минимуми таърифини қонун билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда.

— Партия ўқитувчилар ва шифокорларнинг иқтисодий мавқеини янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратади, — деди нотиқнинг сўзини давом эттирган Зулфия Тўйеванинг ишончли вакили Мухриддин Аслонов. — Ана шу мақсадда фракциямиз соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаси ходимларининг шаъни, кадр-қиммати, обрўини ва хавфсизлигини ишончли ҳимоя қилишини таъминлайдиган меъёрларни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлашга интилади.

Биз, шунингдек, юқори малкали, тажрибали мутахассисларни чекка ва олис қишлоқ аҳоли пунктларидаги тиббиёт ва таълим муассасаларига ишга жалб этиш мақсадида имтиёзлар ва рағбатлар тизимини жорий этиш тарафдоримиз. Бу қишлоқ аҳолисининг сифатли таълим ва тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Дастур моҳияти йирилганларга тушунтирилгандан сўнг номзодлар сайловчиларнинг саволларига жавоб беришди. Учрашув сўнггида аҳолининг мурожаатлари уларнинг эътибори марказида бўлди. Билдирилган баъзи муаммолар жойида ўрганилди ва ҳал қилинди.

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши Ахборот хизмати.



ЭНГ ХАЛҚЧИЛ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИГА ЭГА ПАРТИЯ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлигига сайлов бўлиб ўтадиган кунга тобора яқинлашиб борапмиз. Партиялар ўртасидаги рақобат, баҳслар, демократик дебатлар кундан-кунга кучаймоқда. Мазкур жараёнда ҳар бир сиёсий партия аҳоли учун ўз Сайловолди дастури бошқаларникидан кўра, халқчилроқ эканини исботлашга, ишонтиришга уринмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Халқ демократик партияси жорий йилги сайловларга катта масъулият, аниқ режалар асосида тайёргарлик кўрди.

Энг муҳими, партиямиз ўзининг сайловолди сиёсий позициясини қатъий белгилаб олди ва ўз қарашларига садоқат билан олға интилмоқда.

Партиямизнинг янги Сайловолди дастурида жамиятдаги ҳал этилиши лозим бўлган қатор масалаларга эътибор қаратилган. Масалан, аҳоли турмуш даражасини белгилашда, иқтисодий сиёсат ва давлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиб жорий этишда, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа иқтисодий тўловларнинг энг кам даражасини белгилашда халқроқ ҳамжамиятда умумқабул қилинган кўрсаткичлар, яъни, яшаш минимуми ва истеъмол саватчаси ҳамда уларни қўллаш тартибини амалиётга киритиш.

Аёлларнинг болани парварিশлаш таътилида бўлган вақтини уларга пенсия тайинлаш учун иш стажига тўлиқ қўшиб ҳисоблаш, шу билан бирга, бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган давлат мактабига таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, келгусида 3-6 ёшдаги болаларни мактабга таълимга сўзсиз қамраб олиш биринчи галдаги вазифаларимизга айланади.

Шунингдек, опа-сингиллари мизни ташвишга солаётган мактабга таълим муассасаларида 3 ёшдан кичик болалар учун махсус тарбия гуруҳларини ташкил этиш каби ўйлантириб келаётган масалаларини ҳал этиш мақсад қилиб олинган.

Жамиятда бандлик масаласи ҳамон долзарблигича қолаётган партиямиз эътиборида. Бу соҳада ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз позициясига эга. Меҳнатга лаёқатли фуқароларни иқтисодий нафақалардан юқориқроқ меҳнат ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, аҳолини манзилли иқтисодий ҳимоя қилишнинг асосий йўналиши бош масала бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Ушбу масалалар юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда ХДП аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича давлат бююртмасини бажариш устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатилган астойдил бел боғлаган.

Партия ишга жойлашганда қийинчиликларга дуч келаётган аёллар, Меҳрибонлик уйлари битирувчилари ҳамда иқтисодий

ҳимояга муҳтож бошқа қатламлар учун ишга жойлашиш бўйича ҳуқуқий кафолатларни ошириш ҳамда “Тенг иш учун — тенг иш ҳақи” тамойилига қатъий риоя этилишига интилади.

Ўзбекистон ХДП манзилли иқтисодий ҳимояга оид вазифаларни биргина давлат бюджетидоқ маблағлари ҳисобига ҳал қилиш мумкин эмаслигини яхши тушунади. Бу борада, аввало, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иқтисодий фаоллиги ва ташаббускорлигини рағбатлантирувчи иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш лозим.

Партиямиз ўз олдида қўйган устувор мақсадларидан яна бири иқтисодий ислохотларнинг иқтисодий самардорлигига эришишдир. Бу борада партиямиз иқтисодийнинг либераллаштириш ва бозор тизимини шакллантириш иқтисодий мақсадларга эришиш кафолатини бермайди, деб ҳисоблайди. Шу боис давлат ва жамият томонидан иқтисодий ривожланишни назорат қилиш ҳамда тартибга солиш бўйича демократик тизимни шакллантириш лозимдир.

Айтиш керакки, коммунал хизматларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ишлаб чиқарган таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, келгусида 3-6 ёшдаги болаларни мактабга таълимга сўзсиз қамраб олиш биринчи галдаги вазифаларимизга айланади.

Шунингдек, опа-сингиллари мизни ташвишга солаётган мактабга таълим муассасаларида 3 ёшдан кичик болалар учун махсус тарбия гуруҳларини ташкил этиш каби ўйлантириб келаётган масалаларини ҳал этиш мақсад қилиб олинган.

Жамиятда бандлик масаласи ҳамон долзарблигича қолаётган партиямиз эътиборида. Бу соҳада ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз позициясига эга. Меҳнатга лаёқатли фуқароларни иқтисодий нафақалардан юқориқроқ меҳнат ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, аҳолини манзилли иқтисодий ҳимоя қилишнинг асосий йўналиши бош масала бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Ушбу масалалар юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда ХДП аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича давлат бююртмасини бажариш устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатилган астойдил бел боғлаган.

Абдор КУРБОНОВ, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

СОЛИҚ СОҲАСИДА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР — ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОДЕКС ЛОЙИҲАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда депутатлар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўрилатган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

Дастлаб депутатлар янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси лойиҳасини кўриб чиқишди.

ШУҲРАТ ТУРСУНБОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси: — Солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ тўловчиларга қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш масаласи ҳамisha устуворлик касб этади. Шу мақсадда ишлаб чиқиладиган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳасини концептуал жиҳатдан муҳим ҳужжат, деб ҳисоблаймиз.

Лойиҳада мамлакатимиз солиқ сиёсатини такомиллаштириш билан боғлиқ бир қатор муҳим масалалар назарда тутилган. Хусусан, солиқ қонунчилиги меъёрлари қўлланилишини максимал даражада соддалаштириш, ундаги қарама-қаршилик ва тушунмовчиликларга барҳам бериш, интизомли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини қучайтириш белгиланган. Шунингдек, солиқ назорати шакли ва механизмларини, солиқ объектларини ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқроқ қамраб олиш ва ҳисобга қўйишни таъминлайдиган замонавий ахборот коммуникация технологияларини

кенг жорий этиш орқали такомиллаштириш белгиланмоқда. Трансферт нархларини қўллаш орқали амалга ошириладиган операцияларни солиққа тортиш тартибини жорий этиш кўзда тутилган.

Солиқ кодекси лойиҳасида нафақат солиқ тўловчиларнинг, балки солиқ органларининг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги қучайтирилган ҳолда аниқ ва равшан ифодаланган. Таклиф қилинаётган янги таҳрирдаги Солиқ кодексида назорат таомиллари соддалаштирилган ва солиқ текширувлари турлари 13 дан 3 турга қисқартирилган.

Солиқ органларига солиқ текширувларини махсус дастур асосида (инспектор аралашмаган ҳолда) камерал, жойига чиққан ҳолда текшириш ва солиқ аудитини ваколатли орган билан келишилмасдан амалга оширишнинг янги тартиби белгиланмоқда. Шу жумладан, камерал текширувлар солиқ идоралари раҳбари (ўринбосари) буйруғига асосан ўтказилади.

Аваз ЎРИНБОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси: — Айтиш керакки, таклиф этилаётган лойиҳа орқали солиқ сиёсатида туб ислохотлар амалга оширилиши режалаштирилган. Масалан, айрим тоифадаги жисмоний шахслар учун энг кам иш ҳақи миқдорида нисбатан қатъий белгиланган миқдорда ўрнатилган солиқ ставкалари базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб қайта қўйилди. Жисмоний шахсларнинг қайд этилган тоифаси учун олинати-

ган даромад солиғи каби иқтисодий солиқни белгиланган ставкадан ва ҳақиқатда олинган даромаддан келиб чиққан ҳолда яппи даромад тўғрисидаги декларация асосида тўлаш жорий этилмоқда.

Солиқ низоларини судга тартибда кўриб чиқиш, шунингдек, солиққа оид қондабузарликларнинг туридан келиб чиққан ҳолда жавобгарлигини белгилаш тартибини аниқлаштирилди. Амалдаги Солиқ кодексида фарқли равишда солиқ органлари жавобгарлиги қучайтирилиб, солиқ аудити натижасида оптиқна тўланган еки оптиқна ундирилган солиқни ҳисобга олиш (қайтарил) механизми киритилмоқда. Хусусан, юқори турувчи орган еки суд қарорига асосан қуйи солиқ идораларининг солиқ аудити текширувлари бўйича қарори бекор қилинган тақдирда маблағлар ундирилган даврдаги Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган фоизлар билан қайтариб бериш белгилаб қўйилган.

Лойиҳада солиқ органи томонидан ўз вақтида қайтарилмаган солиқ суммасининг ҳар бир муддати ўтган куни учун солиқ тўловчига пенсия тўлиниши белгиланмоқда. Солиқ тўловчининг солиқ қарзини унга дебиторлардан оладиган суммадан ундиришга қаратил бекор қилинмоқда.

Шунингдек, депутатлар “Давлат божни тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишди. Қонун лойиҳасига кўра, давлат божни — юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар

Жасур ИБРАГИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан Ўзбекистон ХДП фракцияси икроси котиби.

Инсоният табиатни асраб — авайлаш, у билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожланишдан бошқа йўл муқаррар равишда ҳалокатта олиб боришини англаб етмоқда.

“ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

Халқимиз азалдан яшилликни қадрлайди, уни абадий ёшлик, туганмас илҳом ва куч-қудрат манбаи деб билади. Қадимий шаҳарларимиздаги кўзни қувонтирадиган мовий гумбазли бинолар, уларнинг нилий кошнларни, ям-яшил водийларимиз, боғу роғларимиз яшиллик ҳақиқатан ҳам ҳаётимизнинг ажралмас қисмига, қадриятларимиздан бирига айланганини кўрсатади.

Бугун, бизнинг замонимизда, ахборот ва юксак технологиялар асрида яшиллик, она табиат, экологик тараққиёт сайёрамизнинг ҳам рамзига айланиб бормоқда.

Турли индустриал, илмий-техник инқилоблар, технологик эврикаларнинг бошидан ўтказган инсоният табиатни асраб-авайлаш, у билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожланишдан бошқа йўл муқаррар равишда ҳалокатга олиб боришини англаб етмоқда. Шунинг учун ҳаётини ҳамжамияти экологик тоза, безарар технологиялар асосида ривожланиш энг тўғри йўл эканига ишонч ҳосил қилмоқда. Шу тариқа “яшил” иқтисодиёт, “экологик тоза маҳсулот”, “экологик хизмат” деган тушунчалар асосида иқтисодий тараққиётнинг маъно-мазмунини, сифати ўзгармоқда. Бундай тушунчалар дунё бозориди, маърифатли истеъмолчилар онгиди аста-секин биринчи ва энг асосий талаблардан бирига айланимоқда. Қандай қилиб бўлса ҳам фойда олиш, табиатни, унинг ресурсларини аёвсиз талон-тарож қилиш ҳисобидан вақтинчалик иқтисодий тараққиётга эришиш мумкин. Лекин бу йўл билан узоққа бориб бўлмайди. Шунинг учун ўзининг эртанги истиқболини ўйлаган давлатлар, халқлар “яшил” иқтисодиёт моделига ўтиш, ишлаб чиқариш жараёнларини ақлли ва рақамли технологиялар билан бошқаришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бугунги кунда барча соҳа ва тармоқларда туз янгиланишлар сари юз тутган, миллий тараққиётнинг янги босқичига дадил қадам қўётган она Ватанимиз — Ўзбекистонимиз ҳам жаҳон иқтисодиётининг асосий тенденцияларидан бирига айланиб, ана шу жараёнга фаол интеграциялашиб бораётгани, яъни замонавий ривожланиш қаровидан ортида қолмасдан, ақсина унинг етакчилари сафиди бўлишга интилаётгани барчамизни қувонтиради.

Ҳақиқатан ҳам, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва кейинги уч йил давомида изчил амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодий тараққиёт борасида анъанавий йўл ва усуллар билан бирга креатив ва инновацион, “яшил” ривожланиш моделларини фаол қўллаш бўйича мақсад ва вазифалар аниқ берилган. Бу 2030 йилгача дунёдаги 50 ривожланган давлат қаторига киришдек улуғ мақсадни ўз олдига қўйган Ўзбекистон учун ана шу маррага етиш йўлидаги энг тўғри танловдир. Қолаверса, тараққий этган давлатлар билан яқин ҳамкорлиқни кучайтириш, халқаро бозорлар, транзит йўллари

ва коммуникациялар, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларга интеграциялашиш, юртимизга хорижий инвестицияларни янада кенг миқдорда жалб этиш зарурати ҳам айнан шундай йўлдан боришни тақозо этмоқда. Шу боис ҳам сўнгги пайтда мамлакатимизда “яшил” иқтисодиётнинг миллий шароитимизга мос тамойилларини ишлаб чиқиш ва изчил жорий этиш бўйича амалий ишлар бошланди.

Шу йил 8-9 июль кунлари Тошкент шаҳрида Европа ва МДХ давлатлари вазирликлари даражасида минтақавий анжуман бўлиб ўтди. Унда “яшил” иқтисодиёт бўйича норматив-ҳуқуқий базани ва сисбатни такомиллаштириш, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шериклик муносабатлари орқали инновацион “яшил” инвестицияларни қўллаб-қувватлаш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берилди. Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар глобал иқлим ўзгаришлари шароитида самарали, ресурсларни тежайдиган ва экологик хавфсиз иқтисодиётни ривожлантиришда бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган муаммолар борлигига эътибор қаратди. Хусусан, жадал суръатларда давом этаётган саноатлашу ва аҳоли сонининг ортиб бораётгани иқтисодиётнинг ресурсларга бўлган эҳтиёжини сезиларли даражада оширмоқда, энг ёмони, атроф-муҳитга етказилаётган салбий антропоген таъсирни кучайтирмоқда ва иссиқхона газлари ажралиб чиқиш ҳажмининг камайиш ўрнига ортиб боришига олиб келмоқда.

Айниқса, бизнинг иқтисодиётимизда энергия самарадорлиги даражасининг пастлиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланилмаётгани, замонавий технологиялардаги янгиланишларнинг сустлиги, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш учун инновацион ечимларни жорий этишда кичик бизнес иштирокчининг етарли эмаслиги мамлакатимизни барқарор ривожлантириш соҳасидаги устувор миллий мақсад ва вазифаларга эришишга тўқсизликл қилмоқда. Бу борада узоқ муддатга мўлжалланган стратегиянинг йўқлиги “яшил” технологияларни жорий этиш ва “яшил” иқтисодиётни ўтиш бўйича тизимли чоралар қўришни таъминлашга имкон бермай келаётган эди. Ана шу муаммоларни ва Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни комплекс ҳал этиш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш бўйича Франциянинг Париж шаҳрида 2015 йил 12 декабрда имзоланган битимда кўзда тутилган мажбуриятларни бажариш ҳамда мамлакатимизнинг “яшил” иқтисодиётга ўтишини таъмин-



лашда мамлакатимиз Президенти томонидан шу йил 4 октябрда имзоланган “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, ҳеч шубҳасиз, ўта муҳим тарихий аҳамиятга эга ҳужжатдир.

Қарорда, аввало, юртимизда “яшил” иқтисодиётга ўтиш бўйича асосий вазифалар белгиланиб, уни амалга оширишнинг устувор йўналишлари белгиланган бўлиб, технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш зарурлиги алоҳида қайд этилган. Маълумки, собиқ мустақид тузумдан бизга мерос қолган иқтисодиётнинг энг катта камчилиги — у энергия ресурсларини қўп сарфлаб, сифатсиз, жаҳон бозоридидаги рақобатга дош беролмайдиган маҳсулот ишлаб чиқарар эди. “Яшил” иқтисодиётда эса кам энергия сарфланиб, тоза, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш биринчи ўринга чиқади. Қарорда яна бир муҳим вазифа — давлат инвестициялари ва харажатларининг устувор йўналишларига илгор халқаро стандартларга асосланган “яшил” мезонларни киритишни амалга оширишга ҳам эътибор қаратилган. Бундай ёндашув иқтисодиётга киритилаётган инвестиция, сарфланаётган маблағ “яшил” иқтисодиёт талаблари асосида ишлатилишини таъминлайди.

Қарорда давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини, давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш ҳамда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлиқни фаоллаштириш орқали “яшил” иқтисодиётга ўтиш йўналишлари бўйича тажриба-синон лойиҳаларини амалга оширишга қўмақлаштириш жиддий эътибор қаратилган. Бу, ўз навбатида, илгор халқаро тажрибани, мамлакатимиздаги ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос шароити ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда иш олиб боришни назарда тутаяди.

Қарорда “яшил” иқтисодиётга ўтишда таълим соҳаси олдида турган вазифалар, амалга ошириладиган

ишлар бўйича ҳам зарур талаб ва кўрсатмалар ўз ифодасини топган. Чунончи, таълимга инвестициялар киритишни рағбатлантириш, етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлиқни ривожлантириш ҳисобидан ҳам “яшил” иқтисодиёт шароитида меҳнат бозорини тўлдирадиган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш масаласига алоҳида урғу берилган. Аслида ҳам “яшил” иқтисодиётни шакллантиришда кўп нарса чуқур иқтисодий билим ва малакага эга бўлган, янгича шароитда юксак технологияларни юксак маҳорат билан бошқара оладиган кадрларга боғлиқ. Кези келганда шунини таъкидлаш лозимки, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиалида иқтисодиётнинг бошқа замонавий шакл ва йўналишлари каби “яшил” иқтисодиёт асослари ҳам пухта ўргатилмоқда. Бу ўз навбатида кадрлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда филиалимиз ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши учун кенг имконият яратади.

Қарорда Ўзбекистонда “яшил” иқтисодиётга ўтишнинг устувор йўналишлари сифатида Оролбўйидаги экологик инкирознинг салбий таъсирини қисқартириш чораларини қўриш, жумладан, икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорлиқни мустақамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилган. Шунингдек, ҳужжатда “яшил” иқтисодиётни қўллаб-қуватлашнинг молиявий ва молиявий бўлмаган механизмларини ишлаб чиқиш борасидаги вазифалар кўрсатиб берилган. Айни вақтда стратегия амалга оширишнинг мақсадли қўрсаткичлари тасдиқлангани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг амалга оширилиши асосида иссиқхона газлари 2010 йилги даражадан яппи икки маҳсулот бирлигига нисбатан 10 фоизга қисқариши, энергия самарадорлиги қўрсаткичининг икки карра ошиши ва яппи икки маҳсулотда углерод сарфи ҳажмининг камайиши, қайта тикланадиган энергия манбаларини янада ривожлантириш

ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоизидан кўпроқ даражага етказиш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини 100 фоиз замонавий, арзон ва ишончли энергияга ўтказиш имконияти юзга келади. Шу билан бира мазкур мақсадлар саноат корхоналари инфратузилмасини модернизация қилиш, энергия самарадорлигини камида 20 фоиз ошириш ҳамда соф ва экологик хавфсиз технологияларни саноат жараёнларида янада кенг фойдаланиш ҳисобидан уларнинг барқарорлигини таъминлаш, энергияни самарали сарфлайдиган ва экологик жиҳатдан яхшилланган мотор ёқилғиси ва автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришни ҳамда улардан фойдаланишни кенгайтириш, электр транспортини ривожлантириш, 1 миллион гектаргача майдонда томчилатиб сугориш технологиясини жорий этиш ва уларда етиштириладиган экинлар ҳосилдорлигини 20-40 фоизга ошириш; ерларнинг таназзулга учраши бўйича нейтрал балансга эришиш, асосий турдаги қишлоқ ҳўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача ҳосилдорлигини 20-25 фоизга ошириш каби вазифаларга эришишни ҳам қамраб олган.

Қўриб турибдики, стратегияда иқтисодиётнинг ҳар бир соҳа ва тармоғига доир вазифалар аниқ-равшан белгиланган бўлиши. Бу эса мамлакатимизда “яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёнларини муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим шарти ва пойдевори ҳисобланади. Албатта, Президентимизнинг қарори билан тасдиқланган стратегия оғир серир ҳужжат бўлиб, у нафақат иқтисодиётимиз, балки бутун мамлакатимиз тараққиётида бекиёс аҳамият касб этади. Барчамиз бу ҳужжатни аввало қўқур ўрганиб, ўзимиз учун зарур хулоса ва вазифаларни белгиланган ҳолда уларни амалга оширишда фаол иштирок этишимиз лозим.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси академиги.

ижобий хизмат қилса, бошқа томондан молиявий томондан ҳам тежамлидир. Ойлада юзга келган ҳолатдан келиб чиқиб, моддий, тиббий ёхуд маънавий ёрдам кўрсатилиши, болага васий бириктирилиши ёки биологик ота-онаси билан қўлиш йўллари изланиши керак.

— Ўзбекистонда болалар ҳимояси ва келажаги дахлдор қўллаб-қувватлаш ҳужжатлар, қарорлар қабул қилинмоқда, — деди **ЮНИСЕФнинг минтақавий офиси раиси Фенни Какама (Швейцария)**. — Аммо белгиланган қарорлар амалда ҳам ўз аксини топиши гоят муҳим. Айниқса, ҳуқуқий ва ижтимоий соҳа вакиллари ҳамкорлиги, тизимда маълумотлар тўплаш, оилалар билан узвий ишлаш механизми долзарбдир.

Жорий йилда Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг ташкил этилганига 15 йил бўлди. Утган йиллар давомида марказ мутахассислари болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва болалар ва оилаларнинг фаровонлигини таъминлаш соҳасида бебаҳо тажриба тўплади. Форумда бу қўрсаткичлар юзасидан презентация ҳам қилинди. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган “Мехр” операцияси тўғрисида ашаддан кишиларнинг фарзандларини қўролпи тўқнашулар бўлиб турган жойлардан ватанга қайтариш ҳамда уларга қарақли ёрдам кўрсатилишида муҳим аҳамиятга эга бўлгани қайд этилди.

Халқаро форумнинг БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллигини нишонлаш арасида бўлиб ўтгани ҳам таъкидлаш ўринли. Айнан шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 17 июлда “Болаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича ҳар йилги Халқаро форуми ўтказиш тўғрисида”ги қарор қабул қилинган. Демак, мазкур халқаро форум анъанавий тус олади.

Халқаро форумда умумий ва шўъба йиғилишлари яқини бўйича охириги ҳужжатни шакллантириш учун тавсиялар ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Дилдора ЙЎЛДОШЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Ҳаётимизнинг тубдан ўзгариши, турмуш тарзимизнинг яхшиланиб бориши, жойларда хизмат кўрсатиш савияси — чунончи аҳолига табиий ва суюлтирилган газ етказиб бериш даражасининг қай аҳволда экани билан ҳам боғлиқ. Бу, айниқса, қишнинг аёзли кунларида янада яққолроқ кўзга ташланади.

Одамларни рози қилиш

бугунги куннинг энг муҳим вазифаси

—2019-2020 йил куз-қиш мавсумига тайёрларик борасида бир қатор ишлар бажарилди, — дейди “Самарқандгаз” ҳудудий газ таъминоти филиали бошлиғи Холмурод Бобомуродов. — Масалан, газ таъминоти тармоқлари тафтиш қилинди. 1000 километр атрофидаги қувурлар босим остида синаб қўрилди ва ҳаво босими ёрдамида тозалаш ишлари бажарилди. Ер ости газ қувурларининг ҳолати ҳам ана шундай усулда текширилди.

Вилоят бўйича 9124,9 километр газ қувурларидан фойдаланилади. Уларнинг 1089,3 километри юқори, 2255,2 километри ўрта ва 5780,3 километри паст босимли газ қувурларидан иборат. Шунингдек, 8394 та газ тақсимлаш пунктларидан 824 таси юқори, 7570 таси ўрта босимли. Табиий газ таъминотида бўлган жами хонадонлар сони 281502 та, шундан 62956 таси қўп-каватли уй-йўлларда жойлашган.

Вилоят газ ҳўжалигини 2019-2020 йил куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасида филиалнинг чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланган режалар бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 21,3 километр газ қувури мукаммал ва жорий таъмирдан чиқарилди. ГТКларнинг 41 донаси таъмирланди.

Аҳолига табиий ва суюлтирилган газ етказиб бериш ҳам белгиланган режа асосида амалга оширилмоқда. Масалан, газ етиб бормайдиган ҳудудлардаги 418 минг 753 та хонадон суюлтирилган газ билан таъминланган. Мактабгача таълим муассасаларига улар билан тузилган шартномаларга асосан “зангори олов” етказиб берилляпти.

Маълумки, суюлтирилган газ уларни ишлаб чиқарувчи заводлардан келтирилади. Бу иш “Самарқандгаз” филиали тасарруфидаги 5 та ГТС, ГТН ҳамда 1 та шартнома асосида хизмат кўрсатадиган хусусий газ тўлдириш шохобчалари орқали бажарилади. Балонларга қўйилган газ махсус автомобиллар орқали аҳоли хонадонларига етказиб берилмоқда. Ишлаб чиқариш заводларидан суюлтирилган газни ташиб келтиришда хавфсиз ва қулай бўлган махсус 17 та MAN, 70 та ISUZU ҳамда 10 та ЗИЛ русумли автомобилалардан фойдаланилмоқда.

Филиал тасарруфида бўлган асосий корхона — газ тўлдириш станциясининг ойлик ишлаб чиқариш қуввати 1500 тоннани ташкил этади. Ургут, Каттақўрғон, Пайариқ ва Пахтачи туманларидаги газ тўлдириш пунктларининг ҳар бири эса ойига 500 тонна газ тўлдириш қувватига эга. Бундан ташқари Нуробод, Қўшрабат ва Самарқанд туманларидаги шартнома асосида фаолият кўрсатадиган яна 3 та газ тўлдириш шохобчаси хизмат кўрсатмоқда.

Вилоят ҳудудининг катталиги, айрим қишлоқларнинг тарқоқ, бир-биридан узоқ жойлашгани, туман марказидан анча олисдалиги газ етказиб беришда бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Доимий равишда аҳоли фикрларини ўрганиб бориш, муаммоларнинг ечимини топишда қўл келмоқда. Бу борада газ идораларига жойлардаги ҳўхмиклар, маҳаллалар, секторлар раҳбарлари яқиндан ёрдам берапти. Натижда, Нуробод ва Қўшрабат туманларида хусусий газ тўлдириш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди. Бу эса аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлашдаги бир қатор муаммоларни ҳал этишга қўмақлашди. Ургут, Каттақўрғон, Пайариқ ва Пахтачи туманларида ҳам газ тўлдириш шохобчалари мавжуд.

— “Ургут” эркин иқтисодий зонасидаги Мерганча ва Сариктепа массивларида ташкил этилиши режалаштирилган саноат корхоналарини табиий газ билан таъминлаш мақсадида Д-219 мм.ли 11 километр узунлидаги юқори босимли газ тармоғи ва 3 та саноат коллекторлари қуриб битказилди, — дейди Холмурод Бобомуродов. — Ҳозирги кунда истеъмолчилар табиий газ билан таъминланмоқда. Худди шундай ишлар “Ургут” эркин иқтисодий зонасига қарашли Паст Дарғом туманидаги “Намуна” ГРСида ҳам бажарилиб, 8 километр узунлида юқори босимли газ қувури тортилди.

Нуробод туманининг Сазагон ҳудудидаги корхоналарни ҳам газлаштириш бўйича лойиҳа ҳужжатлари тайёрланган. Мутасадди идораларнинг экспертиза хулосаларига асосан бу ерда ҳам “Ўзтрансгаз” АЖга қарашли корхоналар томонидан қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди.

“Самарқандгаз” ҲГТ филиали ходимларининг изланишлари, мавжуд имкониятлардан фойдаланаётганлари, асосийси, муаммоларни аниқлаш ва жойида ҳал этишга ҳаракат қилаётганликлари эътиборлидир. Одамларни рози қилиш — бугунги куннинг энг муҳим вазифаси.

Абдураул САТТОРОВ

Болалар ва оилалар фаровонлиги жамияти тараққиётини белгилайди

ХАЛҚАРО ФОРУМ

Пойтахтимизда «Ўзбекистонда болалар ва оилалар фаровонлигини таъминлашда ижтимоий ишни мустаҳкамлаш» мавзусида халқаро форум бўлиб ўтди.

Форум Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчиликл болалар жамғармаси, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида БМТнинг Ўзбекистондаги Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ваколатхонаси қўмағида ташкил этилиб, унда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, АҚШ, Россия, Арманистон, Қозғистон, Молдавия каби давлатлардан етакчи хорижий мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситаларни ходимлари иштирок этишди.

Икки кун давом этган форум очилик ва шаффофлик руҳида ўтиб, оилалар ва болалар билан ишловчи мутахассисларнинг ўзаро фикр, тажриба алмашиш, мажмуи муаммолар ечими бўйича ташаббуслар, соҳадаги инновацион технология янгилликлари билан ўртоқлашиш майдонига айланди.

Айтиш керакки, мазкур форум 2004-2018 йилларда ўтказилган Халқаро форумларнинг манتيкий давоми бўлиб, унда тақлиф этилган тав-

сияларнинг амалга оширилиши ҳамда ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантириш соҳасидаги янги истиқболдаги вазифалар қўриб чиқилди.

Халқаро форум доирасида меъёрий-ҳуқуқий базани таҳлил қилиш ҳамда халқаро меъёр ва стандартларни инобатга олган ҳолда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг баркамол ривожланишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган амалдаги қўнчилик ақтларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш; оила имкониятларини ва уларнинг психологик-педагогик қўзғувини фаоллаштириш учун болалар ва оилаларга манзилли хизмат кўрсатиш бўйича энг яхши амалиётни танлаш; оилаларнинг нотинчлик, ижтимоий етимлик ва болалар ўртасида ҳуқуқбузарлиқнинг олдини олиш; етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари топиш; ижтимоий ҳимоя, шунингдек, ижтимоий хизматларни ривожлантириш ва васийлик тизимини ислоҳ қилишни таъминлашда бир-бирига яқин касблар мутахассислари ҳамда парaproфессионалларнинг роли ва вазифаларини белгилаш; кадрлар потенциалини ривожлантириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Тадбир иштирокчилари “Оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган болалар ва оилалар фаровонлигини таъминлаш учун ижтимоий хизматлар ва кадрлар”, “Сопоматлигида имконияти чекланган болаларнинг ҳаётда фаоллигини ошириш учун ижтимоий хизматлар ва кадрлар” ва “Ижтимоий ва ҳуқуқий хатар гуруҳидаги болалар орасида ҳуқуқбузарликлари самарали профилактика қилишни таъминлашда мажмуи хизматлар” йўналишлари бўйича шўъбаларга бўлинган ҳолда тааллуқли масалаларни атрофлича муҳокама этишди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхоннова, Халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод

Кенжаев, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчиликл болалар жамғармаси директори Матлуба Охунова, ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн, “Оила” маркази раҳбари Дилором Тошмуҳамедова, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори Васила Алминова ва бошқалар сўзга чиқди. Ўзбекистонда оила, оналик ва болаларнинг ижтимоий ҳимояси масаласи давлат сисбати даражасига кўтарилгани ва бу йўлда амалга оширилаётган кенг қўллами ислохлар ҳақида гапиришди.

— Шу билан бирга, муаммолар ҳали қўп. Фаолиятимиз давомида ҳар кун бир муаммога тўқнаш келамиз, — деди **«Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчиликл болалар жамғармаси директори Матлуба Охунова**. — Айниқса, ижтимоий соҳа вакиллариининг ишга ёндашувини, жамиятнинг бўлган имконияти чекланган кишиларга бўлган муносабатини тамомила ўзгартиришимиз лозим. Токи улар ўзларини шу жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис этишсин. Бунинг учун, жумладан, ноғиронлиги бўлган кишиларга жамоат жойларида ҳам барча шароитларни яратиш, зарур инвентарлар билан таъминлаш долзарб масалалардан биридир.

Умида Маннонова, 21-Мехрибонлик уйи директори:

— Ҳўхмикларимиз бирон муаммоли оилаларга вояга етмаган болаларни дарҳол Мехрибонлик уйларига, Болалар уйларига тақсимлашни муаммонинг энг осон йўли деб билишади. Гўёки, масала шу билан ҳал этилади. Ваҳоланки, илдииз ечилмаган муаммо бир кун барибир газак олади. Қолаверса, давлатимиз ҳар бир тарбияланувчи бола учун ойига 2-2,5 миллион миқдорда маблағ ажратади, келгусида уй билан таъминлайди. Масалани айни вақтда ҳал этиш бир томондан жамият соғломлиги, бола келажаги учун

Ўзбекистон ва жаҳон

ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Пойтахтимизда бўлиб ўтган паррандачилик саноатининг “Евроосё — 2019” халқаро форумида АҚШ, Венгрия, Голландия, Дания, Италия, Канада, Россия, Хитой, Чехия, Жанубий Корея каби 16 мамлакатдан қирққа яқин жаҳонга машҳур компанияларнинг вакиллари иштирок этди, Анжуманда тармоқни ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама этилди, ўзаро тажриба алмашилди, ҳамкорлики йўлга қўйиш бўйича келишув, шартнома ва меморандумлар имзоланди.

Мутахассисларнинг қайд этишича, жаҳонда йилига 1 триллион 150 миллионга яқин тухум, қарийб 300 миллион тонна парранда гўшти етиштирилади. Дунёда истеъмол қилиниши бўйича парранда гўшти иккинчи ўринда туради. Бу борада ҳиссаси 40 фоизни ташкил этган Хитой ётақчилик қилаётган бўлса, АҚШ, Сингапур, Бразилия, Россия кейинги ўринларда туради. Тухум етиштиришга келганда, унинг деярли 60 фоизи Осиё, 21 фоизи Америка, 16 фоизи Европа, қолгани бошқа қитъалар ҳиссасига тўғри келади. Умуман олганда, дунёда тухум ва парранда гўштига, уларни қайта ишлаш асосида тайёрланадиган маҳсулотларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораёпти. Чунки тармоқнинг йиллик ўсиш кўрсаткичи 3 фоиздан кам бўлмапти.

Ўзбекистонда ҳам паррандачилик тез тараққий этиб бораётган соҳалар сирасига қиради. Бугунги кунда юртимизда 81 миллиондан зиёд парранда боқилаёпти, улар сони охириги 3 йилда 1,3 бараварга кўпайган. Тухум етиштириш киши бошига 228 донга, парранда гўшти ишлаб чиқариш эса 6 -7 килограммга тўғри келади. Ана шу рақамларнинг ўзи ҳам қайси соҳага эътиборни янада қучайтириш зарурлигини кўрсатади. Чунки тиббиёт меъёрларидан келиб чиққанда, ҳар бир киши йилига ўртача 215 донга тухум, 14 килограммдан ортиқроқ парранда гўшти истеъмол қилиши керак.

Ўзбекистон паррандачилик саноати 18 -ноябрдаги «Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда паррандачилик кластерлари ташкил қилишга, уларга инновацион технологияларни кенг татбиқ этишга алоҳида аҳамият қаратилди. Ҳужжатга мувофиқ, “Ўзсаноат-қурилишбанк” АТБнинг устав капиталдаги давлат улуши 50 миллион АҚШ доллари миқдорига оширилиб, соҳани ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган. Бундан ташқари, кредитлар фоизи учун компенсация беришнинг янги тартиби жорий этилади, уч йил давомида хориждан келтириладиган асбоб-ускуналар, озуқа ва унинг қўшимчалари, ветеринария препаратлари божжона тўловла-



ридан озод қилинди. Тез орада замонавий илмий-диагностика лаборатория марказининг иш бошлаши паррандалар орасида касалликларни бераётган аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўриш учун имконият яратди.

Халқаро анжуманда мамлакатимизда паррандачиликни ривожлантириш мақсадида қўрилаётган шу каби чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди. Тармоқда дунё миқёсида рўй бераётган инновацион ривожланиш жараёнлари, келгусининг долзарб масалалари муҳокамалар марказида бўлди, янги тақлиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Зольтан ХЛЕБА,
“Бабла-Тетра” (Венгрия) компанияси менежери:

— Албатта, Ўзбекистонда паррандачилик янги соҳа эмас. У, айниқса, кейинги йилларда ривожланиб бормоқда. Ҳам саноат усулида, ҳам шахсий томонда ҳўжаликларида амалга оширилаётган ишларни кўриб, хурсанд бўлдим. Бизнинг компаниямиз Ўзбекистонда кенг тарқалган, “венгерка” ёки “хонаки товуқ” номи билан машҳур кроссларни етиштиради. Улар касал-ликларга чидамли, ем танламайди. Лекин кейинги ўттиз йилда бу кроссларни Ўзбекистонга етказиб бериш, улар наслини янгилаш бўйича ҳамкорлигимиз анча сусайиб кетган эди. Анжуман доирасида мутасадди идоралар билан шахсий томонда ҳўжаликлари тўддор хонаки товуқлар билан таъминлаш бўйича келишувларга эришдик.

Абдуллоҳ ВАҲОБ,
“Cobb” (АҚШ) компаниясининг Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари бўйича директори:

— Паррандачиликда дунёда энг

йирик ҳисобланган “Cobb” компанияси 2018 йилда Ўзбекистонга 170 мингта жўжа етказиб берган эди, 2019 йилда эса бу миқдор 400 мингтагига ташкил этди. Ҳар бир етилган товуқ гўштининг оғирлиги ўртача 2 килограмм бўлса, умумий миқдори қанча бўлишини ҳисоблаш қийин эмас. Албатта, бу ҳали кам. Асосий мақсад фақат жўжа келтириш эмас, балки Ўзбекистонда парранда кроссининг аждодларини яратиш учун генетика ва селекция ишларини ташкил этишдан иборат. Аминманки, бу борада ҳамкорларликда кенг қамровли ишларни амалга оширамиз.

Анжуманга келсак, бу тадбирда селекционерлар ҳам, ветеринарлар ҳам, корхонани бошқаришга масъул ҳодимлар ҳам иштирок этди, мавжуд муаммоларни комплекс муҳокама қилдик. Бу амалда ўз самарасини беради. Ўзбекистон паррандачилик соҳасида Марказий Осиёда энг илгор давлат бўлиб қолади.

Микеле ПЕРЕРО,
“FACCO” (Италия) компания менежери:

— Компаниямиз Европада паррандачилик усуқуналири ва жиҳозлари ишлаб чиқарувчи энг нуфузли корхоналар сирасига қиради. Биз боқувдаги паррандалар учун максимал шароит, жумладан, катакларда эркин ҳаракатланиш, озуқага бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондириш, бинодаги иқлими бошқариш ва керакли кўрсаткичларни ўрнатиш каби автоматлаштирилган усуқуна ва жиҳозлар ишлаб чиқарамиз. Бу ҳақда анжуман иштирокиларига маълумот бердик. Технологияларимизни Ўзбекистон шароитига мослаштириш бўйича мутахассислардан анчагина тақлифлар тушди. Ўзбекистонлик пар-

рандачилар катта тажрибага эга эканлигидан хурсанд бўлдик. Биз ҳам улардан кўп жиҳатларни ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Эдуард ЖАВОДОВ,
Россия Фанлар Академияси академиги:

— Мен Ўзбекистонда тугилиб, вояга етганман. Ҳозир Москвада яшайман. Ветеринарман. Шу элнинг тузини тотган, шу ерда камол топган киши сифатида киндик қоним тўкилган юртини соғинаман, равнақиға ўз ҳиссамни қўйишни истайман. Кўп давлатларда, кўп анжуманларда бўламан, аммо Тошкентдагидай сермазмун, натижавий форумда, ростки, биринчи бор иштирок этишим. Ташкилотчиларга раҳмат.

Соҳага доир масалаларга келсак, парранда касалликларининг сони анчагина. Афсуски, кўп ветеринарларимиз уларни бир-бири билан алмаштиради, нотўғри таъжир қилиди. Натижада кўп-лаб паррандалардан ажралиб қолинади. Ҳар бир касалликнинг мезонларини билиш, уларни синфларга ажратиш ва шунга кўра, даволаш услубларини қўлаш менинг тақдимотим мавзуси бўлди. Келгусида ветеринар ҳаммаслар билан илмий ва амалий ҳамкорлиқни доимий равишда йўлга қўйишга, семирнарлар уюштиришга келишимиз олдик.

Сергей ШАБАЕВ,
“ЕвроОсиё” паррандачилари ассоциацияси президенти:

— Мен Ўзбекистонда паррандачиликнинг ривожланиши жараёнини кўп йиллардан буён кузатиб келаман. Соҳада ўзгаришлар катта, аммо олдинда ҳал қилиниши керак бўлган масалалар ҳам бор. Аслини олганда, бу муаммолар МДҲ га аъзо бошқа мамлакатлар

паррандачилиги учун ҳам хос хусусият. Биринчи навбатда соҳа ривожини янги даражага кўтариш учун инновацион технологияларни қўллашни жадаллаштириш зарур. Тошкентда ўтказилган форум айнан мана шу масалаларни ҳал қилишга қаратилганлиги билан катта аҳамиятга эга бўлди. Ассоциациямиз билан Ўзбекистон менежерлар уюшмаси ўртасида имзоланган меморандумга кўра, паррандалар турларини кўпайтириш, улар озуқасини етиштиришда самарадор технологияларни қўллаш, ветеринария препаратларини ишлаб чиқариш, соҳага инновацион ишланмаларни жорий этиш, кадрлар малакасини ошириш каби йўналишлар бўйича баҳамти иш қоритамиз.

Тўхтамурод ОТАҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Форум давомида 30 дан ортиқ инновацион ишланмалар тақдим этилди. Бу бир анжуман доирасида катта натижа. Улар вазирлигимиз томонидан атрофича ўрганилади ва соҳа мутахассисларига, олимларга ҳамда тадбиркорларга тақдим этиб борилади. Тармоққа оид янги ишланмалар, хорижий тажриба, замонавий технологиялар тўғрисидаги ахборотлар асосида маълумотлар базаси ташкил этилади. Анжуманнинг асосий мақсадларидан бири — тадбиркорлар, мутахассислар, олимларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйишга қаратилди. Бу мақсадга эришдик, десам, ҳеч бир муболага қилмаган бўламан.

Баҳодир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон менежерлар уюшмаси раиси:

— Уюшмамиз халқаро, республика даражасидаги тадбирларни ташкил этиб келмоқда. Бу сафар биз дунё паррандачилик саноатининг қирққа яқин нуфузли компанияларини пойтахтимизга тўпладик. Келгусида иссиқхона, қуёнчилик, балиқчилик, ипакчилик, енгил саноат, тиббиёт каби соҳалар менежерлари билан ҳам ҳар бир тармоқнинг ютуғи ва муаммоларини халқаро тажрибага муқоёса қилган ҳолда таҳлил қилиш асосида амалий тақлифлар ишлаб чиқишни режалаштирганмиз. Чет эллик нуфузли ҳамкорлар билан соҳаларга мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш ҳам иш режамизнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.


Мазкур халқаро форумнинг самарали ўтишига Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Ўзпаррандасаноат” уюшмалари ташкилотчи, “O‘zbekiston ovozi” газетаси таҳририяти медиаҳамкор сифатида ўз ҳиссаларини қўшганлиги учун миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи.

БИЛАСИЗМИ?

1 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатидаги дорилар айрим дорихоналардагина сотилади



2019 йил 1 декабрдан бошлаб кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатиға қиритилган дорилар фақат ижтимоий дорихоналар ҳамда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сақлаш ва реализация қилиш фаолияти бўйича лицензияға эга бўлган дорихоналар томонидан сотилади.

ИМЕИ-КОДНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ПУЛЛИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб қилиладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмалар жисмоний шахслар, импорт қилувчилар ва ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мобил қурилмаларни халқаро ўзига хос идентификация кодлари бўйича рўйхатга олиш тизимига мурожаат қилиши орқали пулли асосда рўйхатга олинади.

ФАОЛИЯТНИНГ ЛИЦЕНЗИЯЛАНДИГАН ТУРИ БИТТАГА КЎПАЯДИ

Моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир фаолият учун лицензия олиш талаб этилади.

ГРАНТ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ҚАТНАШГАН ХОДИМЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

2019 йил 1 декабрдан бошлаб: — хорижий давлатлар ва ташкилотлар донорлар делегацияларининг Ўзбекистонга ташрифларини ва уларнинг расмий шахслар билан ўзаро мулоқотларини ташкил этиш бўйича сўровларни Ташқи ишлар вазирлиги оқидан жобориш мuddати 30 иш кунидан 15 иш кунигача қисқартирилади;

— грант олувчилар томонидан банк ҳисобварақларидан қўчирмаларни, шунингдек, техник кўмак маблағлари тўғрисида ахборот ва идоравий ҳисоботни Молия вазирлигининг Газначилигига тақдим этиш мажбурияти бекор қилинади;

— грант олувчилар ҳар чорақда олинган ва ўзлаштирилган грантлар ҳамда амалга оширилаётган ташқи беғараз кўмак лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тақдим этади;

— давлат органлари раҳбарлари грант маблағларини жалб қилишда бевосита қатнашган ҳодимларни меҳнатга ҳақ тўлаш минимал миқдорининг 15 бараваригача бир йўла муқофотлаш тарзидаги рағбатлантиришга ҳақли бўлади.

ФАРМАЦЕВТИК ИНСПЕКЦИЯ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА НИЗОМ КУЧГА ҚИРАДИ

Зарур амалиётлар (GxP) талабларига мувофиқлик юзасидан инспекциялар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми кучга қиради.

ЭНЕРГЕТИКА МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Айрим корхона ва ташкилотларда энергетика менежменти тизими халқаро стандартга (ISO 50001) мувофиқ босқич-ма-босқич жорий этилади.

Мазкур тизимда қуйидагилар назарда тутилади:

— энергия истеъмоли самарадорлигини баҳолашнинг шаффоқлиги ва ҳолислиги, корхоналарнинг энергия сарфи ҳажмини пасайтириш, шунингдек, атмосферага чиқариладиган чиқиндиларни камайтириш;

— ресурсларни, биринчи навбатда молиявий маблағларни минимал даражада сарфлаб энергия истеъмолини бошқариш самарадорлигига эришиш;

— ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш.

ТРАКТОРЧИ-МАШИНИСТ ГУВОҲНОМАСИНИНГ ЯНГИ НАМУНАСИ БЕРИЛАДИ

2019 йил 1 декабрдан Тошкент шаҳрида, 2020 йил 1 мартдан бутун республикада тракторчи-машинист гувоҳномасининг, техник паспорт ва техник гувоҳноманинги янги намуналари берилади.

ТРЕНЕРЛАР ҲАР 5 ЙИЛДА АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛАДИ

Республикада фаолият юритаётган тренерлар Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ҳамда унинг филиаллари базасида ҳар 5 йилда аттестациядан ўтказилади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги “Huququy axborot” канали.

ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

Офатнинг олдини олиш йўлида

Қишнинг қировли кунлари бошланиши билан одамларни ташвиш босади, ҳали электр иситкичлардан фойдаланишга, кимлардир эса чой қайнатиш, овқат пишириш учун мўлжалланган газ плиталарини туни бўйи ёқиқ ҳолда сақлаб, хоналарни иссиқ тутишга киришади. Бора-бора бу ҳол одатга айланиб, назорат сусаяди.

Куза кунда эмас, кундагина, деган нақл бекорга айтилмаган. Кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинлар бунга мисол.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолатларда фуқароларнинг бепарволиги натижасида ёнғин келиб чиқмоқда. Кўпчилик баъзан уйидаги электр тизимини ўзлари билганча, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмай таъмирлашади. Натижада ўзларини, оила аъзоларини хатарга қўяди.

Худди шундай ҳолатларни айрим корхона ва ташкилотларда ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир беғамроқ уй бекалари эса газ плитасини ёқилган ҳолда, устига устак кийимларини унинг устига ёйиб, қуритмоқчи бўлади.

Ана шундай нохушлиқлар бўлмаслиги учун Янгийўл тумани ЕХБ мутасаддилари ҳар чоранба кўни ёнғин хавфсизлиги йўналиши бўйича аҳоли ўртасида тарғиб-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Яқинда бўлиб ўтган ана шундай тадбирда тумандаги корхона, ташкилот ҳамда бошлар боғчаларида ёнғинга қарши курашишга оид кўргазмали машқлар ўтказилди.

Олов билан ўйнашга бўлмаслиги амалиётда кўрсатиб берилди.

М. ҒАФУРОВ,
Янгийўл тумани ЕХБ катта инспектори.

QISHLOQQURILISHBANK



РЕКЛАМА ЎРНИДА

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ХИЗМАТЛАР

“Қишлоқ қурилиш банк” Галаосиё филиали янги бинода иш бошлади

Аҳоли бандлиги ва даромадларни ошириш, миқозларга кенг қамровли банк хизматлари кўрсатиш молия базасида 25 йилдан буён муваффақиятли фаолият кўрсатиб келаётган акциядорлик-тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” фаолиятининг бош мақсади ҳисобланади. Миқозларга янада қўлайлик яратиш учун барча ҳудудларда банк инфратузилмалари тармоғи кенгайиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланмоқда.

Асосий Қомусимизнинг 27 йиллиги байрамига қизгин ҳозирлик қўрилаётган шу кунларда “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Галаосиё филиали янги бинода миқозларга хизмат кўрсатишга киришди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда банк бошқаруви ва Бухоро вилоят ҳокимлиги раҳбарлари, банк миқозлари ва оммавий-ахборот воситалари иштирок

этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон банк тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилаётганлигини, бунга Галаосиё филиалининг янги биносиде яратилган қўлайликлар ёрқин мисол бўлишини алоҳида таъкидлашди.

Дарҳақиқат, янги бино шинам, замонавий банк технологиялари билан жиҳозланган. Тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш учун бу ерда барча шароитлар яратилган. Туну кун — 24/7 режимида, ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи шохобча фаолият қоритмоқда.

— Миқозларга яратилган бундай қўлайликлардан гоёат мамнун бўлдим, — дейди “Хумо” фирмаси раҳбари Ўктам Ақромов. — Босмаҳонамиз учун банкнинг 100 миллион сўмлик кредити ҳисобига усқуналарни сотиб олдик. Натижада ишимиз қоришиб кетди. Бунинг учун

банк ходимлари кўмагидан миннатдор.

— “Қишлоқ қурилиш банк” хизматларидан етти йилдан буён фойдаланиб келаман, — дейди яна бир миқоз Санобар Шоистова. — 2012 йилда намунали ўй-жой олиш учун кредит олган эдим. Бу ерга келиб, банкнинг янги биносиде миқозларга яратилган қўлайликлардан жуда ҳам қувониб кетдим. Илгари, эски бино таъмирталаб, миқозлар учун ноқулай эди.

Бир сўз билан айтганда, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” келгусида ҳам ўз инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириш орқали миқозларга замонавий хизмат кўрсатишга, тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантиришга ва аҳоли даромадларини оширишга интилади.

Алишер РЎЗИЕВ

Тўю маъракаларда “мусобақа” эмас, хайр — саховат устувор бўлгани маъқул.

Тириклик зийнати ва инсонлик шарафи

Тўй-тантана, байрам, шукроналик, эзгу ниятлар ижобати. Аммо такрор айтамиз, тўй ном чиқариш, шухратпарастлик, бошқалардан ўзини устунроқ қилиб кўрсатиш учун қилинмаслиги керак

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар тириклик зийнатидир, марҳумларга доири инсонлик шарафидир. Инсон туғилганидан бошлаб, то сўнгги нафасигача ана шундай тадбирларни бошидан кечирилади. Буларсиз ҳаёт нурсиз, мазмунсиз, зерикарли бўларди, кун ўтмасди, интилиш, курашиш бўлмасди, инсоний ҳаёт ҳайвоний умр кечиришга айланарди. Курашиш, енгил, енгил, гапаба ва маълумиятлар ҳам бўлмасди.

Инсоният тараққий эта бориб, ўз ақл-идроки билан яратган бу маданий турмуш — тўйлар, оилавий тантаналар, маърака, маросимлар халқимизнинг узоқ йиллик қадриятлари ва анъаналарини ўзида акс эттиради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги Қўшма қарорига мувофиқ қабул қилинган “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисидаги Низом” ушбу маърака ва маросимларни ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди ҳамда халқимизнинг миллий урф-одатлари, маънавияти, маданияти, анъаналари ва қадриятларини ҳурмат қилишга, жамоат тартибини сақлашга, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, оилавий тадбирларни ўтказишда шухратпарастлик, даб-даба ва исрофгарчиликнинг олдини олишга қаратилган.

Тарихни халқ яратади дейилади-ю, аслида тарихни халқнинг айрим вакиллари — тарихий шахслар яратади. Бу ҳолат Низомда инобатга олинган: мазкур Низом мамлакат миқёсида ўтказиладиган расмий маросимлар, давлат ва жамоат олдидagi буюк хизматларига эга шахсларни хотирлаш ва юбилей муносабатлари билан бўлиб ўтадиган, шунингдек, давлат идоралари, корхона ва муассасаларнинг ташкил этилган кўни билан боғлиқ тадбирларга таътиб этилмайди. Бу деган сўз — тириклик зийнати ва инсонлик шарафи тамойилларига айна муносибдир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамоллигида давлатчилигимиз тўй бўрилиш палласига кирган бир пайтда ўзининг замон ва макондаги ўрнини аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабимиз, қимлигимизни билишимиз керакми-йўқми? Албатта, зарур! Зеро, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.

Хўш, бизким, ўзбеклар аслида қандай халқимиз? Бизнинг бошқа халқларга ўхшаш жиҳатларимиз нимагадир иборат-у, фарқларимиз нимагадир кўринади? Муштараклигимиз шунки, бошқа халқлар каби бизлар ҳам шу она сайёрамиз — Ернинг фарзандларимиз, туپроғимиз шу заминдан олинган, зуваламиз шу туپроқдан қорилган. Диндорларимиз эса ислом динига эътиқод қиладилар. Ер юзидида қанча халқу элат бўлса, ҳар бирининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд, бундай фарқларсиз ҳеч бир халқ ва элат ўз қиёфасига эга бўлиши мумкин ҳам эмас. Бунинг устига бир халқ наздида фазилат ҳисобланган нарсаси, иккинчи бир халқ наздида қусур ҳисоблангани ҳам мумкин. Масалан, жаҳондаги баъзи бир халқларда ёши улуг қишлоқлар олдиди ёши кичикларнинг шартлиқ қишлоқлари дадиллик, журъдлиқлик ҳисобланса, бизларда бу нарсаси бетгачапарилликка айланади. Бизда бетгачапариллик маъқул эмас. Баъзи бир халқларда ўғил-қиз, неваара-авараларнинг ота-оналари, бобо ва бувилари, умуман, ёши улуг танишу нотаниш қишлоқлари сенсираси оддий ҳол ҳисобланса, бизким, ўзбекларда сенсираси беодоблик ва ҳаттоки, ҳақорат ҳисобланади. Бизда сизсизраш удумдир.

Халқимизнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири — заминга қаттиқ боғлиқликдир, ҳудуд-беҳудуга у жойдан бу жойга қўчиб кетавермайди, қулай шарт-шароит илқинида тарки ватан қилавермаймиз, бир парча ерни ҳам қаровсиз



қолдирмаймиз, обод қилиб, уй-жой қуриб, бора-роғ яратиб, яъни туп қўйиб, палак ёзиб, муқим яшашига одатланганмиз.

Масалан, дейлик, ўзбек аёлларининг ҳовли тутишлари ўзи бир санъат! Ҳаммаёқ саранжом-сарништа, супирилиб-сидирилган, бетартиб, сочилиб ётган нарсалар йўқ, супиргига ўхшаш “нохушроқ” нарсалар кўзга ташланмайди. Ўзбек маҳаллаларида қўзғал бўлган, фаррош бўлмаган! Озодагарчилик учун ҳамма масъул бўлган.

Маълумки, инсон ҳулқи табиатан тузалишдан кўра, бузилишга мойилроқ. Шунинг учун ҳам муттасил равишда одамларни ёмон нарсалардан, шу жумладан, шухратпарастлик, даб-дабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, ўзини кўз-кўз қилиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳолини инобатга олмаслик каби иллатлардан қайтариб, меҳр-оқибатли, камтарин, саховатли, ҳалол ва шу каби фазилатлар соҳиби бўлишга чорлаб туриш лозим. Чунки халқимиз мавжуд экан, юртимиз тинч-осуда экан, турмушимиз фаровонлашиб бора экан, тўйларимиз, оилавий тантаналаримиз, маърака ва маросимларимиз, марҳум ва марҳумаларимиз хотираларига бағишланган дунёвий ва диний тадбирларимиз мудом давом этаверади. Қолаверса, ижтимоий иллатлардан бир йўла ва дарҳол мусавфо бўлиб олиш мумкин эмас, бунинг устига ижтимоий иллатлар кўча ҳам, янги ҳам бўлиши, берида қўтилиб, иккинчисига тутилиш ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил. Бу ибора замирида чуқур маъно ётади. Жамоа туйғуси бўлмаган халқда саҳийлик ҳам бўлмайди. Саҳийлик бўлмаган орда тўй у ёқда турсин, уйига тўртта одамни қақриш ҳам бўлмайди. Жамоа туйғусидан саховатлилик келиб чиқади. Жамоа туйғусига мойиллик халқимизнинг биринчи фазилати десак, балки янгилимаган бўлармиз. Шу боис халқимизни тўйсеварликда айбламоқчи эмасмиз. Агар айбласак, ўз-ўзимизни камситган бўлармиз. Тўйсеварлики саҳийлик, саховатпешалик фазилатларидан бири, деб қарамоқ керак. Тўй қилмаган ёки тўйга бормаган ўзбек топилмас керак. Аммо кимосидиға тўй беришларни маъқул кўрмаймиз. Тўю маъракаларда “мусобақа” эмас, хайр-саховат устувор бўлгани маъқул. Тўйларимиз ўзбекларнинг бағрикенглигини ҳам

намоён этувчи ўзига хос бир кўриқдир. Дўсту ғанимларимиз тўйларимизга таширф буюрсалар, ўзбекларнинг қимлигини, қандай турмуш кечираватганликларини яқиндан билиб оладилар. Ўзининг эртанги кунидан кўнгли тўқ, омонликда яшаётган, ўзидан орттириб эл олдига дастурхон ёзиш кўрбига қодир халқ тўйлашади.

Тўй-тантана, байрам, шукроналик, эзгу ниятлар ижобати. Аммо такрор айтамиз, тўй ном чиқариш, шухратпарастлик, бошқалардан ўзини устунроқ қилиб кўрсатиш учун қилинмаслиги керак.

Адашмаслик керакки, саховат бошқа нарсаси, тежамкорлик яна бошқа бир нарсаси. Тежамкорлик пировард оқибатда моддий бадавлатликка олиб бориши мумкин. Лекин моддий бадавлат киши ҳамма вақт ҳам саховатли бўлавермайди.

Халқимизнинг бир майизни қирқ киши тақсимлаб ёбди, деган нақли ҳам бежиз айтилмаган, албатта. Саховат бошқа нарсаси, исрофгарчилик яна бошқа нарсаси. Исрофгарчиликни оддий халқ қоралайди, исрофга йўл қўйишни гуноҳ деб билади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, исрофгарчиликларга бош сабабчи тақлиф этувчилар бўлса, унинг “ижрочи”лари, яъни таширф буюрувчилар — исроф қилувчилар ҳам бундай гуноҳларга шеридирлар. Исроф қилувчилар бўлмаса, исрофгарчилик ҳам келиб чиқмайди. Шунинг учун ҳам айтилган жойга таширф буюришдан олдин тақлиф қилувчининг шахсияти, тўю маъракасини қандай йиғилган ва топилаган маблағ ҳисобидан қилаётгани ҳақида бир чамалаб кўриلسа, кейин шунга қараб бориш-бормаслигини ҳал қилгани маъқул. Бундай иш тутуми, айниқса, давлат хизматидаги кишилар, раҳбар шахслар учун зарур.

Энг қадимги миллий қадриятларимиздан ҳисобланган маърака маросимларини ўтказишда ҳам иллатлар тўпланиб қолганлигидан кўз юмолмаймиз. Шу ўринда айрим мисолларга эътибор қаратайлик. Навоий бобомиз 1501 йилнинг 3 январидиға вафот этидилар. Бутун Хирот ахли мотам тутди. Хуросон мамлакатининг султони Ҳусайн Бойқаро барча аркони давлати ила сўз мулкининг султони Навоий уйи олдига мотам либосида қора кийиниб, бел боғлаб, муттасил уч кун келиб-кетувчиларнинг таъзиясини қабул қилиб туради. 1501 йилнинг 6 январь кўни унинг фармони олийишоши би-

лан давлат хазинаси ҳисобидан юртга наҳор оши тортилиб, мотам маъракаси ўтказилади. Қуръони карим сураларидан ўқилиб, Навоий бобомиз руҳига бағишланади. Алишер Навоий вафоти умумжаҳон маданияти, адабиёти, ўзбек миллий давлатчилиги учун буюк йўқотиш бўлган эди...

Орадан 490 йил ўтгач, 1991 йилнинг 28 сентябрида Ўзбекистон Миллий боғида Навоий бобомиз хотирасига наҳор оши тортилди. Қуръон сураларидан тиловат қилиниб, буюк аждодимиз руҳига бағишланди. Бу — улуг шоир ва мутафаккиримиз таваллудининг 550 йиллигига бағишланган, истиқлолга эришганимиздан кейинги энг биринчи тантанали халқаро маданий тадбир эди. Бу — сўз мулки султонининг мустақилликка эришган ўз халқига — ўз китобхонларига янгидан қайтиши эди. Бунда наҳор оши бир восита эди, ҳопос. Асосийси эса, буюк аждодимизни хотирламоқ ва қадрламоқ эди. Наҳор оши деганда ана шундай кўп улуг ва беҳад қутлуг тадбирларни ёдда сақламоқ лозим.

Қиёс учун яна бир ҳаётий мисол келтирмиш, саксонинчи йилларда ўша пайтдаги Фанлар академиясининг президенти, собиқ иттифоқ Фанлар академиясига бутун шўро тузуми даврида ҳақиқий аъзо қилиб сайланган ягона ўзбек олими Обид Содиковнинг рафиқаси вафот этганида, дафн маросимидан қайтилгач, кимдир тўсатдан Қуръон тиловатини бошлаб юборди. Шу аснода бу ерга кириб келган республикамизнинг ўша пайтдаги идеология раҳбари тиловатга қўлоқ солиш, рафиқасидан жудо бўлиб, кўнгли ғамга ботган машхур, кекса олимига, отаси тенги нуруний инсонга таъзия билдириш ўрнига тумонат одам олдига даки беришга тушиб кетди: “Это что такое? Вей, ўртақ, сиз академия наукин президентимизсиз, или диний назорат президентимизсиз?.. Чёрт побери!” Бу дашномдан кейин кимё фани равнақиға ўзининг 500 дан ортққ илмий асарлари, кашфиётлари, ихтиролари билан улкан ҳисса қўшган, жаҳонга танилган Обид Содиков ишдан ҳам олинди, хасталикка ҳам чалинди, кўп ўтмай вафот этиб кетди.

Муқаддас динимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини таъсирчан мисоллар асосида мунтазам тарғиб қилиш кераклигини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Тириклараро меҳр-оқибат, аждодларнинг авлодлар томонидан хотирлана борилиши халқимизни мустаҳкам жиқлаштириб туривчи мисоли бир маънавий белбоғлар, миллиятни ўзига хос қиёфага эга миллат қилиб тугиб туривчи бош омиллардан биридир. Инсоннинг туғилиши ва вафоти билан боғлиқ қўнғина маросимларимиз жуда қадим замонларда аждодларимиз томонидан ҳаётий зарурат тарзида жорий этилган ва булар минг йилликлар оша яшаб, йўлда учраган турли тўсиқларни енгиб келмоқда. Турмуш тақозо этган нарсаларни буйруқ билан ман этиб бўлмас экан. Масалан, туғилишга боғлиқ маросимлар кишига қувонч бахш этса, ўлимга боғлиқ маъракалар юпанч ҳосил қилади. Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарида ёзилишича, Ёфас ибн Нуҳ алайҳиссаломнинг тўққиз ўғли бўлган, тўнчининг оти Турк эди. Ёфас вафот этгач, Туркнинг уйдан чиқарилади, келди-кетди маросимлари ҳам унинг хонадонидиға ўтказилади.

Айтаверсак халқимизнинг ўзига хос фазилатлари кўп. Камтарлик, сиёилик халқимизнинг асосий фазилатларидан ҳисобланади, зуваламизга камтарлик қўшиб яратилганимиз. Бироқ камтарлигимизни ювошлик деб санаб, мутё қилишга уринувчилар ҳам бўларди. Энди у замонлар орқада қолиб кетди. Бугунги байрамда кечаги мусибатдан гапирмай қўя қоламиз.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби, профессор.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Ўтган ҳафтада Пекин шаҳрида XI Халқаро полиция форуми бўлиб ўтди. Ўттизга яқин олий таълим муассасалари вакиллари иштирок этган ушбу нуфузли анжуман кибер жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига бағишланди.

Анжумани ХХР Жамоат хавфсизлиги университети президенти Цао Шицюань очар экан, глобал ўзгаришлар даврида ахборот майдонида юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида батафсил тўхтади.

ЎЗБЕКИСТОН ИИВ АКАДЕМИЯСИ БОШЛИҒИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТ ЭТИБ САЙЛАНДИ

Уч кун давом этган форум доирасида Саудия Арабистони, Венгрия, Туркия, Арманистон, Россия Федерацияси, Буюк Британия, Лаос, Жанубий Корея, Йордания, Вьетнам, Яман, Италия, Таиланд, Индонезия, Сербия, Венгрия ҳамда Ўзбекистон давлатлари делегациялари асосий маърузачи сифатида иштирок этди. Унда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, кибер жиноятчиликка қарши курашишда ўзаро тажриба алмашиш, форумга аъзо давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун кадрлар тайёрлаш мавзлари муҳокама қилинди.

Пекин форуми унга аъзо мамлакатлар учун ҳамкорлик қўламини кенгайтириш ва ўзаро тажриба алмашишга кенг йўл очди. Чунончи, анжуман доирасида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов ХХРнинг Жамоат хавфсизлиги университети президенти Цао Шицюань, университет президентининг биринчи ўринбосари Си Янли, Эрон Ислому Республикаси Амин полиция университети президенти, генерал Лутфали Бахтиёрӣ билан учрашиб, таълим соҳасида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар, ўқув жараёнига замонавий ёндашувларни жорий этиш, илмий-техникавий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва бошқа муҳим масалалар ҳақида атрофлича фикр алмашди.

Қизгин мулоқот руҳида ўтган анжуманда полиция таълими соҳасида халқаро ҳамкорлик форумининг биринчи сессияси ҳам бўлиб ўтди. Унда 2020-2022 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар дастури лойиҳаси, умумий мақсадлари, асосий принциплари ва йўналишлари, амалга оширилиш мўлжалланган чора-тадбирлар режаси, тузилманинг махсус эмблемаси ва Низомини тасдиқлаш каби масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, маслаҳатлашув тамойили асосида форум Президенти этиб ХХР Жамоат хавфсизлиги университети президенти Цао Шицюань, вице-президент лавозимига эса Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов сайланди.

Жамшид ХОЛОВ,

ИИВ Академияси матбуот хизмати ходими.

ЭЪЛОН!

Барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

“ШЎРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ” МЧЖ

2020 йил мобайнида ободонлаштириш ва қўлпаздорлаштириш ишларини ташкил этиш учун мавсумий гул уруғлари: манзарали гул уруғлари — 20000 дона, биогумус — 20 тонна, микроэлементлар тўплами: бутан — 1кг, гуммат — 10кг, касаллик ва зараркунанда ҳашаротларга қарши химикатлар: моспилан — 0,5кг, вертимек — 3 литр олиш учун 2019 йил 27 ноябрдан 7 декабрга қадар очик танлов ўтказилади.

Танлов шартлари ҳақидаги тўлиқ маълумотлар билан мажмуанинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайти (www.sgcc.uz) орқали танишишингиз мумкин.

Тижорат тақлифлари қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

Ғузур тумани, Шўртан кўрғони
“Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ
факс: (0375552-40-16)
электрон почта: sgcc@sgcc.uz
Маълумот учун телефон(0375)552-41-12

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши Чирчиқ шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати

Дониёр АЗИЗХҲАЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари, яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Хитой тили ва адабиёти кафедраси доценти Жасур Зиямухамедовга онаси

Севара ЗИЯМУХАМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

“TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO” МЧЖ

2020 йил 9 январь кўни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади

Очик аукционга Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Муқимий кўчаси, 9-ўйда жойлашган, «ASAKA CAPITAL INVEST» МЧЖнинг қуйидаги ҳўжалик жамияти устав фондидаги 100% улуши қўйилмоқда:

Т/р	Ҳўжалик жамияти номи	Ҳўжалик жамияти		Аукционга қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси (сўм)	Савдода иштирок этиш учун закатат пули миқдори (5%)
		манзили	асосий фаолият йўналиши		
1.	«NISHON TEXTILE» МЧЖ	Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, Нишон қишлоғи	Текстил махсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш	4 192 216 000,0	209 610 800,0

Сотувчи томонидан белгиланган очик аукцион шартлари:

Аукцион қолиби улуши сотилиш баҳосининг: 1. Савдо қолиби улуш сотилиш баҳосининг бунук пули (аванс) сифатида камида **15 (ун беш)** фоиз миқдоридиға қисмини олди-сотида шартномаси асосида **30 (ўттиз) банк иш кўни** ичиди, қолган қисмини эса **60 (олтмиш) ой** муддат ичиди сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукционда иштирок этиш учун талабгорнинг мажбуриятлар бажарилиши таъминланиши сифатида тўлаган закатат пули шартнома суммасига киритилмади.

Харидор улушни ўз номига расмийлаштириш учун монополияга қарши курашиш органларидан белгиланган тартибда рухсатнома олиши шарт.

Аукционда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатида ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, устав нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспорт (истикомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган

банк ҳисоб рақамига закатат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш истағидиға талабгорлар, юқорида кўрсатилган закатат пулини, аукцион ташкилотчиси — «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТБВ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МҒО: 00425, СТИР: 302071274, 20208000704929318001 ҳисоб рақамига тўлашлари лозим.

Аукционда иштирок этиш учун буюртмаларни қабул қилиш расмий иш кўнларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан **1 (бир) кун** аввал соат **18:00** да тўхтатилади.

Мазкур улуш юқорида белгиланган савдо

Гувоҳнома № 005357

Байрам табриклари


“ШҮРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ” МЧЖ ЖАМОАСИ



барча юрtdошларимизни
Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси қабул

қилинганининг **27 йиллик** байрами
билан табриклайди!



**Жаннатмонанд диёримиз янада гуллаб-яшнашини,
мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик доимо
барқарор бўлишини тилайди.**

**Хонадонингиздан қут-барака, қалбингиздан қувонч
аримасин, азиз юрtdошлар!**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
«ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча юрtdошларимизни 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси куни — умумхалқ байрами билан табриклайди!
Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз
турмуши янада фаровон бўлсин!

Фурсатдан фойдаланиб, радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун
рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари
бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилиш
лозимлигини эслатади.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй,
телефон: (71) 202-61-69.
Андижон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 33-уй,
телефон: (71) 230-64-65.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси,
2-уй, телефон: (71) 230-64-66.
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй,
телефон: (71) 230-64-68.
Нукус шаҳри, Ерназар Алақўз кўчаси,
ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.
Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй,
телефон: (71) 230-64-78.
Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй,
телефон: (71) 230-64-69.

Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй,
2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча,
телефон: (71) 230-64-80.
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй,
телефон: (71) 230-64-79.
Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй,
телефон: (71) 230-64-67.
Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй,
телефон: (71) 230-64-74.
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона,
телефон: (71) 230-64-77.

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

**ГАРАНТИЯ
1 ГОД**

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Mahmud TOIR

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV

Shuhrat JALILOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi
o'rinbosari)

Qabulxona — (71) 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-47-80, (71) 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni
chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1251. 13385 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 01:40.
Topshirilgan vaqti — 02:00.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон sahifasiga utish uchun
QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 4 5 6